ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил 5 июль Жума

№ 102 (13.777).

Бахоси 10 тийин

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيز موشترى !

Ислом КАРИМОВ:

«ДЕМОКРАТИЯ — ҚОНУНГА ВА ШАХСГА ҲУРМАТ ДЕМАКДИР»

Ислом Каримовнинг шахсиятига нисбатан у ўтказаётган сиёсатни бутунлай қабул қилмасликдан тортиб унинг номи билан бевосита боғлиқ янгиликларни ҳайратланиб олишлашгача — ғоят хилма-хил фикрлар билдирилмоқда. Маълумотига кўра иқтисодчи, тарбияси жиҳатидан «заводда суяги қотган», этиқодига кўра байналмилалчи бўлган Ўзбекистон ССЖ Президенти ўз сафдошлари билан биргаликда жумҳурият учун Иттифоқ доирасида у эришиш мумкин деб билаётган фаровонлик йўлини барпо этмоқда.

Бошқалар асрий алоқаларни намойишкорона ва бутунлай узган бир пайтда Каримов биринчи бўлиб янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашда марказ сусткашлиги йўл қўяётганлигини баралла айтди. У ўзи раҳбар бўлгунга қадар ўт олган Фарғона можаросига барҳам беришга, Ўш фожиасида муросага келиш йўлини қидириб топишга, миллатлараро бошқа можаролар манбаларини чеклашга эришди.

М. С. Горбачев билан учрашувлардан тортиб энг олис қишлоқлардаги тез-тез бўлиб турадиган суҳбатларгача — барча даражаларда ўз мавқеини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган инсоннинг табиати ҳаммага ҳам маълум бўлавермайди. Ўзбекистон Президентининг одамлар ва жумҳурият манфаатини узвий боғлашга, умуман жамиятнинг маънавий негизларини сақлаб қолишга ҳамда иқтисодиётда ва снёсатда бошбошдоқликка йўл қўймасликка қаратилган йўлини тушунмаслик сабабли ёки қасддан бу йўлни тоталитар тузумни ва бир партияли ҳокимиятни сақлаб қолишга интилиш деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Бу иш далил-исботларсиз, ниҳоятда жўн тарзда амалга оширилмоқда. Оқни қора, қорани оқ дейишгача борилмоқда. Яқинда «Мегаполис-экспресс» ҳафтаномасида «Ислом Каримовнинг ўзбеклар иши» деб аталган кўп маъноли сарлавҳа остида босилган мақола аслида ана шундай «снёсий портрет»нинг қора акси тасвири намунасидир. Мақолада Ўзбекистон Президентининг жумҳурият аҳолисини, энг камбағал табақалар ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари ҳам «ҳукмронлик тафаккури»нинг нишоналари деб кўрсатилади.

Ўзбекистон Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси И. А. КАРИМОВнинг «Рабочая трибуна» рўзномаси саволларига жавоби

— Ушбу мақола эълон қилинишининг ўзи ана шундай фикрлаш намунаси эмасми, ахир, — дейди суҳбатдошим. — Хорижий давлатларнинг бошлиқлари шаънига бирон ножоиз гап айтиш мумкин бўлмаган ҳолда нима учундир иттифоқдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари шаънига осонгина тош отишга йўл қўйилмоқда. Кимдир хоҳласа обрўйини тўкади, хоҳласа — елкасига қоқиб қўяди.

— Нима учун сиз туҳматдан ҳимоя қиладиган қонунга мурожаат этмайсиз?

— Қайда дейсиз, мижғов гапларга ўралашишнинг нима кераги бор, ишимиз бошдан ошиб ётибди. Жуда катта табиий бойликлар, битмас-туганмас меҳнат ресурсларига эга бўлган жумҳуриятимиз энг камбағал жумҳуриятлар қаторида турибди. Жумҳуриятни мамлакатнинг «пахта цехи»га, амалда эса хом ашё манбаига айлантириш ғояси рўёбга чиқарилганлиги натижасида оғир аҳволга тушиб қолганмиз. Энди бу аҳволни тузатиш керак. Кичик-кичик ва ўртача корхоналар, хорижий технологиялар, барча шаклдаги мулкчиликнинг тенглиги, имтиёзли тарзда солиқ солиндиган қўшма корхоналар, илм-фанни талаб этадиган ишлаб чиқариш корхоналари, чет элларда кўплаб кадрлар тайёрлаш, хорижий инвестициялар учун кенг йўл очиб бериш. Иттифоқ ичкарисидаги алоқаларни ва умумий иқтисодий маконни сақлаб қолиш тўғрисида ўйлаяпмиз, ҳуллас, биз ғоят тиғиз муддатга мўлжалланган ҳаракат дастурига эгамиз.

Бироқ жамият дучор бўлган маънавий бўҳтонни ҳам бартараф этиш, халқнинг қайфиятини, ватанпарварлик руҳини кўтариш, унинг ўз кучларига ишончини оширишда ердам бериш керак. Бусиз бизнинг барча режаларимиз барбод бўлади.

— Аммо снёсий мухолифларингиз сизга аксинча таъна қилмоқдалар, сизни ўз халқига эркинлик беришни хоҳламаётган ҳукмдорсифат қилиб кўрсатмоқдалар.

— Мен фақат бир нарсани — халқларнинг бошига азоб-уқубат келтирадиган ва қон тўкилишига сабаб бўладиган бошбошдоқлик, ҳокимиятсизлик ва адоват бўлишини истамайман. Демократияни ҳамма нарсани қилиш мумкин деб, ўзбошимчалик билан талқин этиш ана шунга олиб келади. Мен демократик жамиятни, энг аввало, қонунга қулоқ солиш деб биламан. Бироқ қонунда турмушнинг барча ҳолатларини назарда тутиб бўлармиди? Демак, ёзилмаган қонунлар, жамиятнинг ахлоқий негизларини, уларнинг бузилишига йўл қўйиб бўлмаслигини белгилаб берувчи ёзилмаган қонунлар, маънавий қоидалар тўплами зарур. Яъни одам жамиятдаги мезонлар доирасида ўзига эркинлик ва чеклашлар даражасини белгилаб олади.

Бу ривожланиб борувчи узлуксиз жараёндир. Гап билан демократ бўлиб қолмайди киши. Тоталитар тарбия билан издан чиққан онгимиз у ёки бу томоннинг ҳақлигини исботлаш шакли сифатида куч ишлатишни ҳали узоқ вақт маъқуллаб туради. 1985 йилнинг апрелидан биз ҳаммамиз демократлар бўлиб қолдик, деб ўйлаш соддадилликдир. Ҳокимият учун кураш ошкора тус олганлиги аёндир. Бу курашда ҳар бир киши демократияни ҳам, унинг пировард мақсадларини ҳам қандай тушунаётганлигини намоён этади. Мен демократияни халқни жипслаштириш, унинг бунёдкорлик куч-ғайратларини рўёбга чиқариш, барча соғлом кучларнинг ҳамкорлигига таяниб жумҳуриятимизни ижтимоий-иқтисодий танг аҳволдан олиб чиқиш деб тушунаман.

(Давоми 2-бетда).

Инсонийлик — олий бурчимиз!

Соҳилдаги учрашувлар

Вақт ўтаяпти. Фасллар алмашмоқда, ёшлар бир-бирларига ўрин бўшатишяпти. Ҳаммаси табиат қонунларида ёзилгандек — умрлар давомийлиги бу. Уч жумҳурият ёшлари — Ўзбекистон ССЖ Хоразм вилояти, Туркманистон ССЖ Тошҳовуз вилояти ва Қорақалпоғистон Шўро Жумҳурияти ёшларининг байналмилал-дўстлик учрашувининг галдагисида иштирок этиб, шуларни ўйладик. Анъанага айланган бундай учрашувларнинг тўртинчисида қатнашиш бахтига мушарраф бўлдик. Бўстон—Қўҳна Урганч—Хива... Бу гал ҚШЖнинг пойтахти Нукус шаҳрида. Ўтган даврда ҳар учала қўшни вилоят ва жумҳурият комсомолида раҳбарлар алмашган. Айримлари таниш, янги сайланганлари билан энди танишамиз. Дийдорлашув шуниси билан қизиқда. «Эскилар» бошқа ишларга кетишган, янгилар эса гўё олдиндан таништек қучоқ очиб кўришадилар, бир кунда қадрдонларга айланиб қолишади...

Дўстлик учрашуви кундалиги: 1 июль куни тушда қорақалпоқ ёшлари меҳмонларни жумҳурият чегарасида — Тахиатош шаҳри яқинида нон, туз билан кутиб олишди. Ўйин-кулги шу ердаёқ бошланиб кетди.

Кейин жумҳурият пойтахти Нукусга йўл олинди. Аввало бош майдондаги Ленин ҳайкали ва Дўстлик хиёбонидаги ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Меҳмонлар тушдан сўнг жумҳурият ўлкашунослик музейида бўлишганда эсдан чиқмайдиган таассурот олишди. Қорақалпоқ халқининг тарихи ва бугунини тўлалигича кўрсатиб берган музейнинг бутун бир бўлими Орол денгизи бошига тушган мусибатга бағишланган. Қуриб адо бўлаётган денгиз табиати, ҳайвонот дунёси фақат музей ашёларидагина қолгандек... Дарвоқе, «Орол тақдири — ҳаммамизнинг тақдиримиз!» шиорини кўча-куйда ҳам, учрашув залларида ҳам, ором масканида ҳам учратиш мумкин эди.

Сўнгра халқ амалий санъати кўргазмасини томоша қилдик. Нукус Давлат Дорилфунуни ёшлари билан учрашдик. Дорилфунун ҳаёти билан кенг танишилди. Чунки, бу илм ўчоғи қўшни вилоятлар учун ҳам мутахассислар тайёрлайди.

Дорилфунун комсомол қўмитаси ўз маблағи ҳисобига бунёд этган мақсадсиз урушда ҳалок бўлган беш нафар собиқ аскарталаба хотирасига ўрнатилган ёдгорлик қаршисида сукут сақладик.

Меҳмонларнинг бир гуруҳи Нукус ноҳиясидаги «Коммунизм» давлат хўжалигининг уй-жой қурилиш комбинати ёшлари ҳузурида меҳмон бўлишди.

Кечқурун саратоннинг жазирама иссиғи сал пасайган пайтда «Халқлар Дўстлиги» хиёбонида Х анъанавий дўстлик учрашувининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Мезбонлар ва меҳмонларнинг бадиий ҳаваскорлик дасталари кенг дастурда концерт қўйиб беришди. Ўйин-кулги шом қоронғисида ҳам давом этди...

Тунда меҳмонлар шаҳар ташқарисидаги «Комсомол кўли» деб аталадиган маскан бағрида жойлашган «Юлдузча» кашшофлар оромгоҳига ташриф буюришди. Бу ерда куй, қўшиқ, рақс тонггача тўхтамади...

2 июль куни эрталабдан спорт мусобақалари бошланди. Футбол, волейбол ва бошқа спорт беллашувлари ўтказилди. Узаро баҳсда гоҳо у вилоят, гоҳо бу вилоят командалари ғолиб келишди...

Бир томонда қўшиқ ва рақс узлуксиз давом этди. Соя-салқин манзилда ташкил этилган «Даврa суҳбати» қатнашчилари эса ўзларининг умумий бўлган муаммолари хусусида гаплашиб олдилар. Таклиф-истаклар, танқидий фикрлар айтилди. Шу ердаёқ учрашув қатнашчиларининг Мурожаати матни тайёрланди.

«Биз, экологик ҳалокат марказида яшаётган ва унинг машъум оқибатларини ўзида синаб кўраётганлар эндиликда ҳалок бўлаётган табиат ва теварак-муҳит ҳавоси ҳақида, аҳоли ўртасида касалланишнинг юқори нуқтага кўтарилгани, болалар ўлими ошиб кетганлиги борасида жим тура олмаймиз. Шарқда «Сув — бу ҳаёт» деган ибора бор. Халқ маталини муҳокама қилиб ўтирмаймиз. Ва яқинда қабул қилинган Туркманистон ССЖнинг «Амударёга зейкашлар ва булғанган сувларни оқизишни тақиқлаш ҳақида»ги Қонунини маъқуллаймиз. Худди шундай қонун бошқа Ўрта Осиё Жумҳуриятлари Олий Кенгашлари томонидан ҳам қабул қилинади, деб ишонч билдирамиз!»

Мурожаатномадаги бу сатрлар беҳуда эмас. Денгиз қуриши туфайли юзага келган ва келаётган вазият ўта хатарли. Буни учрашув қатнашчилари яққол ҳис этишди. Ҳароратнинг ўта баландлиги, ҳавонинг қуруқ ва ифлослангани, ичимлик сувнинг шўрлиги... ҳаммамизни қийнаб қўйди. Гоҳо учрашувнинг бирор тадбирини бузиб бўлса-да, жон сақлаш илинжида кўлга чўмилишга жўнаб кетишга мажбур бўлдик. Минерал сувдан бошқа сувни ичишга юрагимиз бетламади...

Мезбонлар учрашувнинг хайрлашув йиғилишида меҳмонларга совға ўрнида тоширган эсдалик суратларида Орол денгизи манзаралари акс эттирилгани рамзий маъно англатди. Негаки, маҳаллий рассомлар ижоди бўлмиш картиналарда денгизнинг олдинги — 60-йиллардаги ҳолати тасвирланган. Умид — денгиз яна ўз ҳолига қайтса. Ишонч — рўй бериши табиий бўлган улкан ҳалокатнинг олди кеч бўлса-да, олинса. Максад — бу оғир кураш, машаққатли синоваларда қадимдан қўшни уч халқнинг ёшлари биргаликда ҳаракат қилишса, умуммуаммолари қаршисида яқдил жипслашиб, ишга киришишса...

Учрашув қатнашчиларидан бири таклиф қилганидек, аслида анжуманни ҳалокатнинг маркази — Мўйноқда ўтказиш кераклигини айтганда кўпчилик ич-ичидан бир титроқ ҳис этган бўлса ажабмас. Фожиани тула англаш учун ҳам айнан унинг марказига сафар қилиш, унинг оқибатини бир кун бўлса-да ўзингда синаб кўриш керакдир...

Қадим хоразмийлар юрти ёшларининг бу сафарги учрашувида Бухоро вилояти ёшларининг кичик делегацияси ҳам меҳмон сифатида иштирок этишди.

Учрашув қизиқарли кечди. Ёшлар бир-бирларининг манзилгоҳларини ёзиб олдилар, тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туриш зарурлигини қайд қилишди. Учрашув фақат бу тарзда эмас, олдиндари бўлганидек ўзаро мусобақалар, кўрик-синовлар, ижодий, жисмоний баҳсларда мунтазам давом этиб турса, деган қарорга келишилди...

Аму соҳилида бўлиб ўтган дўстлик учрашуви тантаналарида Қорақалпоғистон Шўро Жумҳурияти фирқа Марказқўми котиби А. Тожибоева, Ўзбекистон комсомоли Марказқўми биринчи котиби А. Носировлар қатнашдилар.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи»нинг Қорақалпоғистон Шўро Жумҳурияти ва Хоразм вилоятидаги сайёр мухбири.

Қозоғистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси, комсомол фахрийлари ҳамда жумҳурият ёшларига

ҚАДРЛИ ДУСТЛАР!

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Сизни жумҳурият ёшлари, комсомоллари номидан қутлуғ она — Қозоғистон комсомолининг 70 йиллиги билан табриклайди.

Ташкилотингиз комсомол тарихини кўплаб шонли саҳифалар билан бойитди. Улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларида, халқ хўжалигини тиклаш, қўриқларни ўзлаштириш ва бошқа кўпгина катта ишларда Қозоғистон комсомоллари кўрсатган мислсиз жасоратлар хотирамизда абадий қолажак.

Эндиги асосий вазифа — мамлакатимиз ривожи бурилиш даврини бошидан кечираётган бир пайтда ютуқларимизни йўқотиб қўймаслик, Жумҳурият комсомолини бундан кейин ҳам жамиятни қайта қуриш ва демократиялаштириш ишида фаол қатнашаверишига, ёшлар манфаатларининг ишончли ҳимоячиси бўлиб қолишига аминмиз.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлик ришталари асрлар давомида мустаҳкамланиб келган. Бугунги халқларимизни бирлаштирувчи тарихий алоқалар янги маънососасф этиб, янгича анъаналар билан бойимоқда. Ёшлар иттифоқларининг Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Озарбайжон комсомол ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаси билан мустаҳкамланган кўп қиррали муносабатлари янада кенгайишига аминмиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва ўнлаб қўйган режаларингиз амалга эртанги кунга ишонч тилаймиз. ошишида муваффақият

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

1- ва 2-тиббиёт олий билимгоҳларида битирувчи талабаларга дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Устоз шифокорлар билан хайрлашув оғир. Бироқ битирувчиларнинг кўнглига бир нарса таскин беради. Бу олий билимгоҳда ўрганганлари ҳамда устозлар ўгитининг ҳамиша қўл келиши, улар билан ҳамдам бўлиши.

Тантаналарда олий билимгоҳ ректорлари, муаллимлари битирувчиларга «оқ йўл» тиладилар. Шогирдлар ҳам дил сўзларини билдиришди.

Сўнгра бўлажак шифокорлар Шўро Иттифоқи врачи қасамёдини қабул этдилар.

Диплом эгалари бугун-эртага тиббиёт муассасаларида иш бошлайдилар. Уларнинг қай тарзда ишлашини эса вақт кўрсатади. Зора дардчил фуқароларимиз оҳи бирмунча камайса.

«ЁШЛИК» ИЖОДКОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиблари «Ёшлик» ойномаси ижодкорлари билан учрашдилар. Маълумки, ойноманинг Бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Давлат ҳамда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари совриндори, шоир Омон Матжон яқинда ўз аризасига биноан бўшаб, ижодий ишга кетган эди. Ойноманинг Бош муҳаррири лавозимига Тоҳир Ҳабилов (Тоҳир Малик) тасдиқланган эди. Ойнома ижодий уюшмаси уни қўллаб-қувватлади.

Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси Одил Ёқубов учрашувни очиб, «Ёшлик» ойномасининг жумҳурият ёш ижодкорлари ўртасида тутган ўрни ва роли ҳақида тўхталди.

Учрашувда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров, «Ёшлик» ойномаси Бош муҳаррири Тоҳир Малик, Бош муҳаррир ўринбосари Ғафур Ҳотамов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги Бош муҳаррирининг ўринбосари Иброҳим Ғафуров, ойнома бўлим мудири Собир Ўнар, фотомухбир Абдуғани Жумаев ва бошқалар сўз олиб, ойноманинг ҳозирги ҳаётидаги сермазмун чиқишлари учун ҳамжиҳат ҳаракатланиш ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиблари Муҳаммад Олиҳ, Абдусаид Кўчимов, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Қўмитасининг бўлим мудири М. Ҳазратқулов, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиби К. Жуманазов ва бошқа ўртоқлар иштирок этишди.

Шу сонга хабар

СТИВЕН СПИЛБЕРГДАН ИЛҲОМЛАНИБ

Ёш ўзбек кинематографиячиси Зулфиқор Мусаковнинг «Абдуллажон» деб аталган картинаси америкалик буюк режиссёр, фантаст Стивен Спилберг ва бағишланган. Ёш ижодкор ўзининг бу асари билан жаҳон экранларини устасининг истеъдодига ҳурмат бажо келтирди.

Фильм сценарийсини З. Мусаков драматург Рихсивой Муҳаммаджонов билан биргаликда ёзди. Натижада ўзга сайёрадан келган болани ўғил қилиб олган жамоа хўжалиги аъзоси Абдуллажон (унинг ролини артист Мурод Ражабов ижро этади) тўғрисида қизиқарли ҳикоя вужудга келди. Ушбу фантастик комедияни оператор Талъат Мансуров суратга олди.

ЯХШИ ДАМ ОЛИНГ, БОЛАЛАР!

Жигаристонлик болалар Бутуниттифоқ болалар маркази — «Артек»ка йўлланмалар олишди. Бундай совғани олган дастлабки гуруҳ — табиий офатдан жабрланган ноҳиядаги эллик ўғил ва қиз 3 июль куни Қора денгиз соҳилига жўнаб кетди. Сафар харажатларини ҳамда йўлланмаларни расмийлаштиришга кетадиган барча ташвишларни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси билан Ўзбекистон кашшофлар ташкилоти жумҳурият Кенгаши ўз зиммасига олди.

— Фожиа рўй берган кунларда ССЖИ Болалар ташкилотлари федерациясига мурожаат этиб, ёз фаслида жигаристонлик болаларни Бутуниттифоқ шифохонасига қабул қилишни, болаларни рўй берган фалокатдан бироз бўлса-да, чалғитиш мақсадида улар учун Қора денгиз соҳили бўйлаб қизиқарли

саёҳатлар ташкил этишни сўраган эдик, — дейди Ўзбекистон кашшофлар ташкилоти жумҳурият Кенгашининг раиси Майя Абдуҳаировна Раҳимбердиева. — Москвада бизнинг илтимосимизга шу заҳотиёқ эътибор беришди. Мактаб ёшидаги жигаристонликларнинг ҳаммасини амалда «Артек» болалар марказига йўлланмалар билан таъминлашди. Болаларимизни жаҳоннинг турли давлатларидан «Артек»ка болалар келадиган энг нуфузли «халқаро мавсум»да қабул қиладилар.

Орадан бироз ўтгач, жигаристонлик болаларнинг яна бир гуруҳи ўз юртдошлари ёнига қўшилади. Улар мириқиб дам олишади, даволанишади, тенгдошлари — «Болалар сайёрамизда тинчлик учун курашда» халқаро ёшлар ҳаракатининг фаоллари билан муло-

қотда бўлишади. Ўзбекистонлик меҳмонлар халқаро экология семинарида, халқ рақслари ва қўшиқлари, концертларида, амалий-манзарали санъат кўргазмаларида ҳам қатнашадилар.

СУРАТЛАРДА: жигаристонлик болалар «Артек»ка йўл олишмоқда.

Суратлар муаллифи Л. ПАНКРАТОВА.

...ХИЗМАТ ҲАМ ХАВФЛИ, ҲАМ ҚИЙИН

Ҳуқуқбузарларнинг ички ишлар идоралари ходимларига бўйсунмай, очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатиш ҳоллари тез-тез содир бўлаётганлиги жиноят билан боғлиқ вазият кескинлигини кўрсатиб турибди.

Чирчиқда участка инспектори, милиция катта лейтенанти Н. Истаев ҳеч қаерда ишламайдиган, наркология диспансерида ҳисобда турадиган Верхолазов деган кимсани суҳбатлашиш учун жамоатчилик пунктига таклиф қилди. Суҳбат шундай тугадики, Верхолазов милиция ходимининг кўкрагига пичоқ санчди. Зарбни такрорламоқчи бўлган пайтда катта лейтенант қуролини ишга солди. Верхолазов касалхонага келтирилаётганда вафот этди. Истаев касалхонага ётқизилди. Прокуратура участка инспекторининг ҳаракатларини «Совет милицияси тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига мос келадиган қонуний ҳаракат, деб баҳолади.

* * *

Жиззахда бир гуруҳ безорилар ўз хизмат бурчини бажараётган участка инспектори, милиция майори Т. Абдулхаимовга ҳужум қилиб, тўртовлон уни калтакладилар. Улар Қишлоқ қурилиши вазирлиги ҳайдовчиси Ҳ. ва унинг акаси — Тошкентдаги темирбетон буюмлари заводининг цех бошлиғи, шунингдек, Жиззах умумий озиқатланиш тизмасининг икки ходими эди.

* * *

Андижон вилоятининг Хўжаобод ноҳиясида Қозоғистоннинг Қараганда шаҳридан келган ширкат ошпази З. Ортиқов маст ҳолда фуқароларга ёпишар, сўкинар эди, у милиция ходими лейтенант Ж. Усмоновнинг гапларига қулоқ солмади. Аксинча, у калтаклай бошлади, салом-

учун хавфли шикаст етказди. Милиция ходими суд-табобат экспертизасига юборилди, ушланган ва кайфи тарқаган безори энди қонун олдида жавоб беради.

К. ЗИКРИЛЛАЕВ,
милиция катта лейтенанти.

Эшитдингизми, Ўқидингизми?

● КРАСНОЯРСК шаҳрининг чиқинди ташланадиган майдонидан минглаб юбилей медаллари топилди. Улар Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 20 ва 30 йиллигига бағишлаб чиқарилган мукофотлар эди. Ҳатто Андрюша исмли бола уйига бир қоп медаль (290 дона) олиб келган.

Маҳаллий рўзномаларнинг мухбирлари ўзларича текширув ишларини олиб бориб, ҳалигача снёсий кўрликнинг асл ижрочилари кимлар эканлигини топа олмаяптилар.

● ЛИТВАДАГИ кўпгина шаҳарлар ва ноҳиялардаги каби Вилнюс ошпаз нюснинг кўпчилик аҳолиси ҳини бир-уч ойдан бери қарзга яшаётгиб қолаликларини хаёлга ҳам келтирмаган бўлсалар керак. Маълумдан бирнечча, жумҳурият энергетика мазмундаги ҳазирлиги 1 апрелдан бошланиб этилди: «Пасиқлик энергияси тарифсторанда тайёрлаётгирган, шу сабабли «Тошбақа шўрванесиқ сув ҳақи ошириш шаҳар чеккаларида.

Оширилганда ҳам чиқинди ташланувчи Илгари иссиқ сув жойларда отиб ўлдирилган қарғалардан тайёр бир ойда 30 тийин, энди 1 сўм 85 тийинлади». Ресторан эгатиш ҳақи иккиланди бу хабарга жавоб бера олмади, натижа шу энди умумий ... билан тугадики, ресторан квадрат метри ... ран деярли хўрандасиз қолди.

ТЎРТ НОМДАГИ ДАРЁ

● МАЛАЙЗИЯДАГИ энг катта дарёнинг узунлиги 120 километр бўлиб, номи тўрттадир. Дарёнинг дастлабки 32 километрини маҳаллий аҳоли Бетис деб атайди. Ундан кейинги 44 километри Нингири, яна 44 километри — Галас ва сўнгги, Жанубий-Хитой денгизига қуйилувчи қисм Шу қисқа муддатда 121 миллиметр ёғин ёғди.

Баъзи йилларда ёз бўйи ана шундай миқдорда ёғингарчилик бўлмайди. Учишга тайёр бўлиб турган кўп ўринли 18 та тайёрага, жумладан ТУ-154, ИЛ-62 тайёраларига дўл шикаст етказди. Дўл фақат кабиналар ва иллюминаторларни эмас, моторлар парракларини ҳам тешиб юборди.

● ҲИНДИСТОННИНГ собиқ Бош вазири Ражив Ганди ўлдирилишини тергов қилаётган махсус гуруҳ фитнада қатнашишда шубҳа қилинган яна бир кишини қамоққа олди. У Тамилнад штатининг Мадрас шаҳридаги ... студиясининг эгаси Субҳа Ш... ибоган одамдир. Унинг ... ҳайъати Тамил жангарилари... Худди жойи бўлган ... ароийб усулда бир қанчасини ... дам олмасдан қисми эди... (бунга «рекордчи»нинг 59 минут 32 дақиқа вақти кетди) Доноар тўхтаб, оёқларида туриб олди. Йигитнинг айтишича, қўлларида янада кўпроқ юриши мумкин эди, афсуски, чап кафтига кириб қолган шиша бунга йўл қўймади.

ОТАНИНГ ҲУКМИ

● ЯҚИНДА Нигерияда чоп этилувчи «Вэнгард» рўзномаси қуйидаги воқеани ўз саҳифаларида эълон қилди: Имо штатининг Умуахиа шаҳрида яшовчи бир тадбиркор киши шармҳаёсиз фильмда суратга тушган ўз қизини ўлдирди. Қизнинг укаси отасига дўстлари уйида бир фильм кўрганини, ундаги ҳаёсиз роллардан бирини опаси ижро этганини айтади. Аввалига ота ўғли сўзларига ишонмади. Орадан бирнеча кун ўтгач, фильмнинг бир нусхасини сотиб олиб, барча оила аъзолари ўртасида уни қўйиб беради, экранда қизи пайдо бўлиши билан унинг устига бензин қуйиб, ёқиб юборади.

«ДЕМОКРАТИЯ — ҚОНУНГА ВА ШАХГА ҲУРМАТ ДЕМАКДИР»

[Бошы 1-бетда].

— Лекин сизнинг мухолифларингиз ҳам худди шундай мақсадларни эълон қилмоқдалар-ку?

— Ана шу мақсадларга эришиш усуллари ва воситалари-чи? Ўтмиш аёвсиз танқид қилинмоқда ва уларнинг келгусига мўлжалланган режалари чалкашдир. Аммо қачонгача салбий муносабат билдириш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни қидириш мумкин. Бундай усул билан бунёдкорликни эмас, балки вайронгарчиликни, ҳамкорлик йўлларини излашни эмас, балки яқин кишиларга нисбатан қаҳр-ғазаб тўлқинини осонгина юзага келтириш мумкин. Тўғри, пахта яккаҳокимлиги қарор топди, Орол қурий бошлади, атроф-муҳит заҳарланди, халқ эътиқоди ва анъаналари таъқиб этилди, феодализмдан социализмга «сакраб» ўтилганлиги тарғиб этилди.

Бироқ энди ўтмиш хаталаридан тўғри хулоса чиқариб, уларни такрорлашдан эҳтиёт бўлиб, аҳволни тузатишга киришайлик. Халқ ишончининг ҳам чегараси бор, вақтимиз ғоят зиқ. Тўғрисини айтсам, меҳнат жамоаларида ва кўчаларда одамларга яқин вақт ичида аҳволнинг яхшиланишини кутмаслик керак, деб айтиш мен учун жуда оғирдир. Мен арзон-гаров шуҳрат орттирмоқчи эмасман. Эл ишончига таяниб Президент сифатида халқ билан ошкора гаплашишим шарт.

Вазият қийин. Бироқ агар биз пахта майдонларини кескин қисқартириш ҳамда бўшаган юз минглаб гектар ерларни деҳқонларга ва шаҳарликларга фойдаланиш учун бўлиб бериш йўлидан бормаганимизда, аҳвол янада қийинроқ бўлур эди. Эҳтимол, бугунги кунда биз бошқачароқ очликни ва бир эмас, бир неча Фарғона фожиаларини бошдан кечирган бўлур эдик. Биз марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмаларининг қаршилигини енгиб ўтиб, ана шундай ишларни амалга оширдик.

Турли партиялар ва ҳаракатларнинг вакиллари бўлган ва бизни танқид қилаётганларга бизга ёрдам беринг, жойлардаги расмиятчи тўралар, порахўрлар ва дангасалар ишни барбод этмасликлари учун чинакам халқ назоратини йўлга қўйинг, дедик.

— Рози бўлишдими?

— Йўқ. Сиз ишлайверинг, биз эса сизнинг хатоларингизни кўрсатиб борамиз, дейишди. Наҳотки, демократия деганлари шу бўлса?!

Нарх-наво мисли кўрилмаган даражада оширилгандан кейин (Иттифоқ ҳукуматининг айби билан шу даражада оширилди, деб ҳисоблайман), Тошкентдан юзлаб километр наридаги Яккабоғда ғалаёнлар бўлиб ўтди. Яна мухолифларимиз ёрдамида чет эл «Озодлик» радиостанцияси орқали қишлоқ аҳолисидан олти кишининг қони тўкилди, у ерга алоҳида вазифаларни бажарувчи милиция отряди қисмлари олиб кирилди, деган гаплар тарқатилди. Шуниси ҳайратланарлики, бу хабар ҳақиқий воқеалар бошланишидан икки кун олдин берилди. Эфир орқали тарқалган гаплар ҳақиқатга мос тушмас эди. Яккабоғдай олис жойда нима учундир Тошкентдан келиб қолган «халқ ҳимоячилари»нинг бутун бир гуруҳи иш олиб борди. Улар нари борса бозор расталарини остин-устун қилган маҳаллий саёқлар тўдасини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар.

Бундай хатти-ҳаракатларни халқ иродасининг ифодаси, яъни демократиянинг намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкинми? Расмий маъмурлар нима қилишлари: эҳтиросларга авж олдирилишига йўл қўйиб беришлари керакмиди ёки тартибсизликнинг пайини қирқишлари керакмиди? Агар жамиятда интизом ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашни якка ҳокимлик деб аталса, нима ҳам дердик, мен бу борада изчил «якка ҳоким» бўламан.

— Бир партияли системага содиқ бўлган сизни жумҳуриятни бошқа партиялар яшай олмайдиган «коммунистик қўриқхона»га айлантирганликда ҳам айбламоқдалар.

— Бир партияли система жуда қалтис бўлиб, унда назоратсиз ҳокимият нопок қўлларга ўтиб қолиши мумкин, ҳолбуки, биз ўз тарихимизда бундай ҳолларни бир неча бор бошдан кечирдик. Бундай система осонгина тоталитаризмга, халқни ва партиянинг оддий аъзоларини лақиллатишга олиб келади. Шуннинг учун мен мамлакат Конституциясининг 6 ва 7-моддалари бекор қилинишини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман.

Лекин Ғарбдаги ривожланган демократияларга бир назар ташланг — ҳар бир давлатда дарғалик қила оладиган қанча партия бор? Бармоқ билан санарли! Бу тўғридир, чунки партиялар муайян синфлар ва табақаларнинг манфаатларини ифода этади, улар орасидан янги-янги аъзоларни сафарбар қилади. (Кимга тафсилотлари керак бўлса, В. И. Ленин асарларини тавсия қиламан).

Ўзбекистон Компартияси салкам 700 минг кишини бирлаштириб, меҳнаткашлар мутлақ барча табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Компартия ўзининг бултур бўлиб ўтган XXII съездида жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий янгилаш, аҳолини бозор муносабатларидан ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш дастурини олға сурди ва у якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Дастури ва ҳаракатлари бизникидан ҳам яхшироқ бўлган бошқа партия мавжуд бўлса, халқ уни қўллаб-қувватлайди.

Аммо ҳамма гап шундакки, ҳозирча бундай куч йўқ. Биз жумҳуриятнинг жамоат ташкилотлари тўғрисидаги Қонунни қабул қилдик. Шунга мувофиқ у ёки бу партиянинг рўйхатга олиниши учун бор-йўғи 3 минг аъзоси бўлса кифоя. Лекин негадир ҳозирча аризалар тушмаяпти. Халқ ким билан эканлигига энди ўзингиз баҳо беринг. Тўғри, Фарғона воқеаларидан кейин Компартиянинг обрў-эътибори жуда тушиб кетди, чунки вазият шу қадар кескин эдики, жумҳуриятнинг ҳар қандай бурчагида Фарғонадагидек аланга авж олиб кетиши мумкин эди. Ўзбекистон Компартиясининг ўша пайтдаги раҳбарлари эса билмасдан ағдариб юборилган бир тоғорачадаги қулупнай тўғрисидаги сафсата билан халқни тинчлантирмоқчи бўлдилар.

Биз ўшанда кабинетлардан одамлар ҳузурига чиқдик, улар билан ички қўшинларнинг, милтиқлар ва қалқонларнинг орқасида туриб эмас, балки бевосита сўзлашишни ўргандик.

Ўша пайтда кўпчилик шиорлардагидек силлиқ эмас, балки қийинчиликлар билан шуни англаб етишдики, агар сен партия аъзоси бўлсанг муштарак манфаатлар билан яша, ишда бошқаларга қараганда кўпроқ ғайрат кўрсат. Қўлингдан келмайдими, тинч бир жойни топ, ҳисобчи бўл, тонг саҳарлари бемалол балиқ тутиб юрабер: фақат халқнинг ишончи билан ўйнашма, унинг ҳис-туйғулари билан чайқовчилик қилма.

— Дарвоқе, ҳис-туйғулар тўғрисида. Гап-сўзларга, миш-мишларга қараганда сиз Ш. Р. Рашидовга нисбатан алоҳида яхлос билан қарор эмишсиз, унинг раҳбарлик услубига амал қилишга уринаётган эмишсиз. Ҳатто, «янгирашидовчилик» ибораси пайдо бўлди.

— Бўлмағур гаплар, менинг назаримда, булар сиёсий баҳсда ҳақиқий далилларнинг йўқлиги туфайли пайдо бўлди. Норасмий ҳаракатлардаги ва бошқа баъзи оқимлардаги мухолифларимиз халқни ўтмишга қайтиш билан чўчитишни истардилар. Аммо тарихан бу мумкин эмас. Рашидов — ўз даврининг фарзанди.

Жумҳурият Компартиясининг XXII съездида унинг Ўзбекистон тарихидаги роли ва ўрни тўғрисида шундай қатъий бир фикр билдирилган: «Биз Рашидов номи билан боғлиқ барча салбий ишларни қоралаймиз. Бундай ишлар биз учун номақбулдир. Биз ўтмиш иллатларидан покланишимиз керак, шундай қилмасак, олға ҳаракат қила олмаймиз. Шу билан бирга биз ўша даврда содир бўлган ҳамма нарсаларни ҳаётдан кўз юмган битта шахс билан боғлай олмаймиз».

Талабчанлик, қаттиққўллик, ишни бажариш топширилган кишидан талаб қилиш эса ҳар бир раҳбарнинг энг асосий фазилати, деб ҳисоблайман.

— Атрофдагилар билан мулоқотда ҳаддан ошириб юбориш, ўзингизни тутолмай қоладиган ҳоллар бўладими? Умуман, ўз-ўзини танқид сизнинг ҳаракатларингизда қандай ўрин тутади? Хаталарингизни тан олиб, кейинчалик уларни тузатасизми?

— Ўзимни ўзим назорат қилиб, ташқаридан ўзимга назар ташлаш туйғусига эгаман ва бу нарса ўйламай-нетмай шошма-шошарлик билан қилинадиган ҳаракатлардан сақлайди. Қизиққонлик қилиб ўзимни тута олмай қолишим ҳам мумкин. Кейинчалик, эҳтимол, бу ҳақда мен кескин гапириб қўйган кишига қараганда анча кўпроқ афсусланиб юраман. Ҳар бир куннинг охирида воқеалар ва хатти-ҳаракатларни хаёлдан ўтказаман. Ноҳақ бўлсам, узр сўрайман.

Ҳар бир кишида бўлгани каби хатолар бўлиб туради. Мисолми? Биз янги нархларга ўтиш чоғида жумҳуриятимизда ун, макарон ва нон-булка маҳсулотларининг нархларини аввалгидек қолдирдик. Кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашни истадик. Жумҳуриятимизда бундай оилалар кўп ва шундай маҳсулотлар уларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Мувозанатни сақлаш учун гўшт ва ёғнинг нархларини Иттифоқдагидан юқорироқ кўтардик, яъни уларнинг таннархи даражасига етказиб, ҳар килограмм гўштни 10 сўм ва сариёғнинг килограммини 16 сўм қилиб белгиладик.

Иқтисодий жиҳатдан бундай чора тўғри. Қолаверса, биз бошқа маҳсулотларнинг, айниқса саноат маҳсулотларининг қиймати шу қадар ошиб кетади, деб ўйлаганимиз ҳам йўқ эди. Халқ бизни қўллаб-қувватламади ва эндиликда гўшт билан сариёғ Иттифоқ нархларида сотилмоқда. Биз хатони тузатдик, аммо ун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳали ҳам «ислоҳотгача бўлган» нархларда сотилмоқда. Бюджет учун бунга бардош бериш осон эмас, албатта, лекин шундай қилиш керак.

— Бошқа чора-тадбирлар — мактабларда бепул нонушталар, ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналарга, ёлғиз пенсионерларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, талабалар ва ногиронларга, ўқитувчилар ва кўп болали оналарга ёрдам, компенсация тўловлари бирга қўшилганида бу нарса бюджетни «зўриқишга» мажбур қилади. Жумҳуриятнинг иқтисодий «гиёванд», марказнинг ёрдамисиз яшай олмайди, деган гап-сўзларнинг сабаби шунда эмасмикан? Сизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Фармонларингиз гўё иқтисодий жиҳатдан асоссиз бўлиб, халққа тилёғламалик қилиш далили эмиш.

— Мана, сиз истаган Фармонни танлаб олинг: кўпдан-кўп бирламчи ҳужжатлар устида иш олиб борилган 12 тагача вариант ва пул билан таъминлашнинг аниқ манбалари кўрсатилган. Фармонлар халққа ёқиш истак-муддаоси билан дунёга келмаган. Бундай истак-муддаолар кимда бўлишидан қатъи назар, мен уларни қабул қила олмайман. Бу Фармонлар турмуш мантиқи, энг камбағал табақаларнинг турмушини енгиллаштириш хоҳиш-истаги туфайли дунёга келиб, аниқ-равшан ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланмоқда.

Иқтисодий «гиёвандлик» хусусида ким-кимдан қарздор экан? Аввалига бизни хўб ишонтиришди: пахта бўлса бас, қолган нарсаларни жумҳуриятга мамлакат етказиб беради. Пахта толаси қайд этиб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни дастлабки қайта ишлашдан тушадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бошқа жумҳуриятларда нисбат аксинча бўлмоқда: масалан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр кўйлак ғоят катта фойда келтирмоқда. Меҳнати — бизга, пули — бошқаларга. Мамлакатнинг «пахта цехи» бўлиш мана нимани англатади.

Биз ўзимизнинг қайта ишловчи қувватларимизни ривожлантира бориб, бу ишни тўғри йўлга қўямиз. Лекин шунгача асосий меҳнат харажатларини ўз зиммасига олган, ишчилар синфингизни хом ашё ва иш билан, аҳолини эса тайёр буюмлар билан таъминлаган кишилар билан даромадларни марҳамат қилиб баҳам кўринг.

— Модомки биз жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида гап очган эканмиз, сизнинг назарингизда бундай муносабатлар яқин келажакда қандай бўлиши керак? Янги Иттифоқ шартномасида марказнинг яккаҳокимлигига йўл қўймай, лекин Иттифоқни ҳам барбод этмай бирлик ва хилма-хиллик муаммосини қандай ҳал қилиш лозим?

— Мен тенг ва хилма-хил жумҳуриятлар иттифоқи тарафдориман. Энг асосий, принципиал деб ҳисоблаётганим: Иттифоқни ташкил қилувчи жумҳуриятларга мустақиллик ва суверенитет бериш керак. Қандай масалаларни ўзлари ҳал қила олишини, қандай ваколатларни марказга топшириб, куч-ғайратни бирлаштирган ҳолда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ёки Иттифоқ тузилмалари конкрет ҳолларда жумҳуриятларнинг ўзлари ҳал қилади. Мана шуларни қонунлар урушини тўхтатиш керак деб биламан. Айни пайтда барча Иттифоқ ташкилотлари, Олий Кенгашлари, Олий Кенгаш ҳаммаси ўзгаришлар билан боғлиқ ишларни тиришга чақиравермасдим. Энди эса бу ишда ўзимни умидвор доблаяпман. Шартнаманинг узоқ вақт имзоланмаслиги ҳам мумкин. Ўзгаришлар бўлишимиз учун, Иттифоқда ҳар бир жумҳуриятнинг ўзини эркин, мустақил ҳамдўстлиги олдидаги вазифа-ҳаракатларига ўтиш бўлган мустақил деб ҳис қилиши учун ҳаммамиз англаб етиши керак.

— Модомики биз эканмиз, эркинлик ҳам ҳар хил англаймиз-ку?

— Тўғри. Шошмашарлик билан мустақилликни эълон қилиш ва ундан ҳизмат қилишдан ортиқ. Аслида эса Конституцияни бузишдан мумкин. Бу — ишлар билан тўлдирилган қоғоздаги эркинлик. Биз бошқа йўлдан бордик. Ҳамма ишлар ҳалқ ҳаётидаги Қуролли кучлар. Бош штаби билан бўлган яккаю ягона жиддий ҳаракат — бизнинг. Бу бизнинг жумҳуриятимиздан чиқиб кетаётган ишчиларга ва уларнинг оилаларига ва ҳаётларига қонуний мақом ва ҳимоя этилишини ва ҳаётларини ўташ чоғида қулайликларни таъминлайди.

Мустақилликни ишлаб чиқариш эмас, балки сиёсий ҳодисадир, маънавий маданиятдир. Уни тўлдириш керак, ҳаётнинг барча соҳаларини, шахс, тилни, миллий маданиятни ютуқларини ривожлантириш, эркинликка эришиш ва ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, чинакам мустақил давлат бўлмоқ учун ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўтказиш, аждодларнинг урф-одатларига риоя этилганлик, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳалқ анъаналарига ҳурмат кўрсатганлик ва ҳ. Ҳеч ким ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан ҳеч ким ва ҳеч нарсадан партиядан ўчирилмоқда, ўзимизнинг ўзимизнинг ўзимизнинг

Қозоғистон комсомоли—70 ёшда

ҚАНДАЙ ЙЎЛ БЎЛМАСИН, БОСИБ ЎТИЛДИ

Имонгали ТОСМАҒАМБЕТОВ, Қозоғистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси биринчи котиби, Қозоғистон ССЖ халқ депутати.

Бу киши билан мусоҳаба қилиш учун бемаҳал пайтни танлаган эканман. Сессия ўтаётган дақиқалар эди. Гоҳ президентлик кенгашига, гоҳ бошқа жойга чақириб қолишади. Хуллас, бемалол суҳбатлашиш учун вақт йўқ, биринчи котиб ҳеч бўш бўлармиди! Унинг ҳар бир куни шундай ташвишлар, ишларга тўла. Ҳар бир соат, минут қадрли, тиғиз.

Лекин барибир қозоқ халқининг меҳмондўстлиги, ўзга эл кишиларига ҳурмати сабаб суҳбатлашишга вақт топилди.

— Имонгали Нургалиевич, ҳозирги ёшларнинг меҳрини, ҳурмат-эътиборини қозониш осонликча кечмайди. Улар орасида унча-мунча хислатларингиз билан дарров танила олмайсиз. Сиз баъзан ойнаи-жаҳонда кўриниб турарксиз. Лекин бу кўриниш биринчи котибга хос тарзда эмас, қўлингизга гитара олиб, ўзингиз басталаган куй-қўшиқларни ижро этаркансиз.

— Ўзига яраша масъулият, қийинчиликларни кўрган кишига менинг лавозимим ҳам ҳавас қилгудек эмас. Албатта, ҳозир ҳар қандай раҳбар киши учун ҳам мураккаб давр. Одамлар қилдан қийиқ қидиришга, кўпроқ ҳамма нарсадан айб излашга, танқидга одатланиб қолаётирлар. Замона зайли оммавий ишончсизликка, теварак-атрофга ҳадиксираб қарашга олиб келган бўлса ажабмас. Шундай яхши-ёмон кунларда мен қўшиқ куйлагим келади. У юрагимга дўст, ҳамдард бўлади. Қўлимга гитара оларканман, ички бир туғён жўш ур..., дилим ёзилади.

Ҳозирги ёшлар менинг замондошларим. Улар қандай ҳаётни севишади? Нималарни орзу қилишади? Биз бошлаётган, биз кетаётган йўлдан улар ҳам бажонидил қадам ташлаяптиларми? Агар шундай бўлса, мени чўчитадигани — бу йўлда қоқилиш ёки тўхтаб қолишдир.

Апрель ойида қайта қуриш бошланганига олти йил тўлди. Хўш, бу давр ҳар бир ёш қалб учун қандай босқич? Қандай кайфият туғдирди? Ўтмишимиз, тарихимизнинг ҳақ-ноҳақ ишлари, тўғри-нотўғри гапсўзлар уларда маълум даражада ишончсизлик, нигилистик руҳни пайдо қилмадимикин? Бугунги ўсиб-улғаяётган ёшлар эртага қандай одамлар бўлиб вояга етадилар? Айтайлик, иқтисодиётдаги инқироз. Уни тиклаб олиш учун ўн йиллар, йигирма йиллар керакдир. Аммо бутун бир авлодни қайта тарбиялаш-чи? Бунинг иложи бўлармикан?

— Қозоғистон комсомолининг 70 йиллик юбилейи мамлакатимизнинг ҳамма жойларидаги каби инқирозли вазиятларга тўғри келаяпти. Унинг келажагини қандай кўрасиз?

— Йўл қандай бўлмасин, босиб ўтилди. Бир пайтлар одамлар социализмга чин дилдан ишонганлар, унинг учун астойдил курашганлар. Буни инкор этиш керакмас. Худди шунингдек бугун комсомолни ҳадеб ёмонлайвериш ҳам мантиқсизликдир. Унинг бошидан кечирганларини жамиятдан ажратиб кўриш ярамайди. Рост, комсомол инсон шахси парокандалигига хизмат қилувчи тузумга ҳамкор бўлди. Лекин ўз вақтида камчиликларини тан олаяпти. Бу эса унинг келажаги борлигидан далолат беради. Келгуси йил биз жумҳуриятимиз конференциясини ўтказамиз. Парламент ёшлар ташкилотини тузиш ниятимиз бор.

— Президент Назарбоев давлат корхоналарини хусусийлаштириш, чет эл сармояларини жумҳуриятга жалб этишга қаратилган сиёсат олиб бораяпти. Бу ўзгаришларга сизнинг муносабатингиз қандай!

— Ижобий томонга бўлаётган ўзгаришларни, албатта, қўллайман. Хавфсираб турган ягона нарсам — кимларгадир бўйсуниш, доимий қарздорлик гирдобига тушиб қолиш. Ҳамма нарса ҳам пул билан ўлчанавермайди. Мен ҳар бир жумҳуриятнинг ўз қиёфаси, ўз йўли бўлишини истайман. Ҳар бир миллат ва элатлар урф-одатларини, қадриятларини сақлаб қолишлари ва уни бойитиб боришлари лозим. Мен қадимий оила қонунига бўйсунаман.

— Оилангизда қукмронлик сизнинг қўлингизда бўлса керак!

— Қайсидир маънода — ҳа. Рафиқам ҳам рўзғорни, ҳам болаларини эплайди. У менинг суянчиғим, маслаҳатдошим.

— Бўш вақтингиз ҳеч бўладими! Агар бўлса, нималар билан шуғулланасиз!

— Дам олиш ҳақида ҳар кимда ҳар хил тушунча мавжуд. Мен кўпроқ бўш вақтларимни дўстлар даврасида ўтказишни яхши кўраман.

— Бу давраларда кимлар йиғилади! Сиз одамлардаги қандай фазилатларни қадрлайсиз!

— Дўстларимнинг аксарияти ижодкорлар — актёр, рассом, мусиқачи. Мен самимийликни қадрлайман. Дўстларим ҳам шундай.

— Ҳозирги кунда комсомол учун асосий вазифа нима деб ўйлайсиз!

— Бозор муносабатларига ўтаётган бир пайтда асосий вазифамиз ёшларни ижтимоий химоя қилиш.

Татьяна ЯКОВЛЕВА суҳбатлашди.

«Биз ҳам тарихда қоламиз»

Марат АҲМЕДБЕКОВ, Олмаота шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

— Яқиндагина Тошкент шаҳар комсомолларининг конференциясига борганимда ўзбекистонлик ёшлар билан рўзнома орқали учрашгандик. Бугун Қозоғистон комсомолининг 70 йиллиги муносабати билан мана яна дийдор кўришиб турибмиз.

Ўз ташкилотинг ҳақида мактов айтиш ноқулай. Гарчи унинг тарихида фахрланишга арзигулик саҳифалар кўп бўлса ҳам. Жумҳурият комсомоли ташкилий уюшишнинг оғир, машаққатли даврини бошидан кечирди. 1920 йилларда бизда бир неча губерния комсомол қўмиталари (губком) бўлиб, улар ўз ҳолича ҳаракат қилишар, мувофиқлаштирувчи ягона бир марказга эга эмасдилар. Қозоқ комсомоллари мана шундай сиёсий тарқоқликни енгишга ўзларида куч топа олдилар.

Сўнг инқилобни ҳимоя қилиш, курашлар ва ниҳоят, аянчли қатағон йиллари... Мен бир нарсага ҳеч қўшилолмайман. Ҳозир ўтмишга шафқатсиз баҳо берилаётган, оқ-оққа, қора-қорага ажратилаётган бир пайтда кўпчиликда, жумладан, ёшларда ҳам бор ютуқларни йўққа чиқариш кайфияти авж олиб кетди. Бунда қатағон йилларини ҳам мисол қилиб келтирадилар. Ҳа, одамларни душмандан олиб, душманга солишган, ноҳақ айблар тўнкаб, қамаб, отиб юборишган. Ҳа, гўзал ҳаёт ҳақидаги гаплар ёлғону ўйдирма бўла қолсин. Аммо, минглаб одамларнинг лагерларда халқини деб жон бергани рост-ку! Улардаги эътиқод, ишонч ёлғон эмас-ку! Комсомол йўлланмаси билан изғирин ўрмонлар-у, жазирама чўллардан темир йўллар ўтказган, қўриқлар ўзлаштирган, шаҳарлар барпо этган ёшларнинг ҳаёти, чеккан азоблари, хурсандчиликлари рост-ку.

Бугун ҳам ёшлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганда, бозор иқтисодига ўтиб, улар жамиятнинг энг ҳимоясиз қатламига айланганда улар учун яна комсомол қайғура бошлади. Ёшлар ўртасида ишсизлик, уйжой муаммоларига барҳам бериш учун ижтимоий-ташкилотлар орасида биринчилардан бўлиб ўз хўжалик фаолиятига асос солди. Комсомол йигит-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, давлат, жамоа хўжаликлари, корхоналар раҳбарлари билан тортишаяпти. Жамиятдаги вазиятга ёшлар таъсирини кучайтириш мақсадида барча даражадаги ҳокимият органларига ўз вакилларини киритишга интилаяпти.

Мен ҳозиргидек алғов-далғов инқилобий бир даврда комсомол сафида эканлигимдан фахрланаман. Қилса арзийдиган иш, авлодлар учун бирор фойдали нарса қолдиришга имкон бор.

СУРАТДА: комсомол фахрийси Ҳаким Абдрашитов ёшлар даврасида.

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ.

МАМБЕТ БОТИРНИНГ ҚАТЛ ОЛДИДАН АЙТГАНЛАРИ

Бисмилло!
...Ўзимни унутгайман олис йўлга тушганда,
Жанг-жадалдан тўйганман,
Айтсам, кўпдир озорим,
Эгарда туғилгандим,
Ўлмоқдаман кишанда,
Тонгда мени ит каби қиладилар сазойи.
Ҳориб терлаган отнинг ҳидини унутгайман,
Сўғишлар урҳосини унутгайман зиндонда.
Тонгда жисмим бурдалаб, алангага тутгайлар,
Шон-шуҳратни йўқотгай бошим бундай видода.
Унутгайман хотинларнинг титраб-қақшаб турганин,
Ялангоч қиличдайман,
Занг босади тиғимни,
Чалажон бир илондай томоғимда юрагим.
Э йўқ,
Менинг юрагим пати юлинган шунқор.
Унутгайман
Ягона нажоткорим дуони
Унутгайман ёнғинларни, қирғинлар ҳам худони,
Ҳайҳот,
Дашт узра ой сузар
Барханларни қиялаб,
Туяларга илиқиб кетадир нортуялар.
Қозоқнинг қозонида сут вишиллаб тошади,
Итлар эса зерикиб, бир-бирин бўяр қонга,
Мамбет ботир зиндонда кўкка қараб ётади,
Тўлин ой ҳам ботирнинг қўлига тушар нондай.

ҚУМОН ҚЎШИҒИ

Сўғишларда қўлланг,
Боболар руҳи...
Елғиз оғоч кўрсам, четлаб ўтмасман,
Арғамчи осарман
Бирон шоҳига,
Сўнгги савашгача
Сира ўлмасман,
Кимлигим билмаган одам бормикин.
Ана, юлдуз учар,
Бошим-да эгик,
Аёлга онт ичиб,
Ўпарман қўлин,
Тегмасман, бойқушу қарғага лекин,
Арвоҳлар,
Кўрсатинг Балатон йўлин.
Шамолдай еларман содиқ отимда,
Бир умр,
Бир умр ўзга ёқлардан,
Фақат чуқур излар қолур ортимда,
Вафодор отимнинг туёқларидан.
Токим ёмғирдан сўнг
Бу чуқур излар
Минг-минг пиёладай турсинлар қатор,
Ёвларим келганда ортимдан излаб,
Мендай ташналикдан
Чекмасин азоб.

қумон — қипчоқларнинг румийча номи.

Шавкат РАҲМОН таржимаси.

ҚАТАҒОН БЎЛГАН КОТИБ

Тош-метин девор, муздек совуқ пол, ҳар донаси киши бармоғидек келадиган темир панжара. Чор атроф-зулмат. Панжара тирқишларидан тушиб турган ёруғлик ҳам тушкун кўнгилни ёритолмайди. Ҳаммаси тушидагидек, гўё... Айби ҳалол ишлаганими?...

Ғарифа онанинг эсдаликларидан: «Мени олиб бориб берсангиз ҳам олишмайди. Шўро ҳукумати айби йўқ кишиларни нима қилсин? Мен учун қўрқманглар», — деб такрор-такрор айтарди. Шундан уч-тўрт кун ўтиб, ордер билан қамоққа олиб кетишди...»

Профессор А. Машановнинг айтганларидан: «Бир куни мен Ашир аканинг олдига иш билан бориб қолдим. Кайфияти йўқ, эзилиб жим ўтирарди. «Машанов, сен эсли-ҳушли йигитсан, ўзинг айт, мен миллатчиманми? — деб қолди. — Бу ерда баъзи бировлар миллатчисан, деб орқамдан қолмаяпти. Ҳеч бирингни камситмадим. Тарбияланаётганлар орасида миллий ғаразгўйлик борми?»

...Атроф тун қучоғига энган. Бурчакдаги ёғоч ўриндиқда милтиллаб чироқ ёнади. Ашир тош ерга кийимлари билан ётади, Кўзи илиниб, туш кўрибди: Тошкентда эмиш.., Қўзғолонли 1919 йилнинг жазирама ёзи экан. Акаси Досай билан узумчи Нурбой бойнинг эшигида оч-ялангоч ўтиришганмиш... Бойнинг думи — приказчикнинг золимлиги ўшанда қаттиқ таъсир қилганди. Бу туш эмасди... Бир пайтлар бўлганди. Ўшанда приказчик ҳаддидан ошиб ура бошлаганда Ашир ҳам қайтариб солганди. Роса дўппослаб, акасига деганди:

— Евузнинг ўз уволи ўзига! Кетдик Досай!..

Ашир уйғониб кетди. Досайнинг товуши анчагача қулоғидан кетмай қурди. Шу кетишда иккаласи қўл ушлашиб, Тошкентдаги болалар уйига боришганди. Энди бўлса... Темир эшик, темир панжара. Ёруғ дунёни кўрар кун бормикан?

Ғарифа онанинг айтганларидан: «Шу кетганча узоқ кетди. Рўшнолик кўрмади, бечора. Ўзи болалар уйида ўсган. ФЗОда ўқиган. Уни тугатгандан сўнг, Қарсақбойда чилангар бўлиб ишлаб юрувди. Кейин комсомол ишларига аралашди. Аввал Марказий Қўмитада ташкилий бўлим мудири, сўнг ўлка қўмитасида котиб бўлиб ишлади. Анча вақт ўтиб, Москвага, машина созлаш билимгоҳига кетди. Лекин тез орада Қозоғистонга қайта чақириб, Риддерга шаҳар қўмитасига котиб этиб тайинлашди. Бу ерда бир йил ишлади. Свердловскнинг тоғ-кон академиясини битириб, Қозоғистонда саноат олий билимгоҳини ташкил қилди. Охири 1937 йилги қатағонга илинди. Ўшанда у бор-йўғи 30 ёшда эди...»

Айтжон Бутининнг эсдалигидан: «Ашир Буркитбоев билан мен Қизил Ўрдада ўлка комсомол конференциясида танишдим. Ўшанда у комсомолга котиб бўлиб сайланди. Ўзи Қарсақбойдан эндигина келган ишчи йигит экан. Конференция тугагач, собиқ котиб Содиқ Нурпейсов чақириб: «Айтжон, сен Аширни уйингга олиб бор. Ҳар ҳолда тўрт хонали. Квартира олгунича сен билан бирга турсин», — деди. Уйга таклиф қилдим. Иккаламиз бирга яшай бошладик. Ювош, камгап, забардаст йигит экан. Мен ўшанда отлиқ аскар полкининг комсомол ташкилоти раҳбари эдим. Бўш пайт умуман бўлмасди. Шанба, якшанба кунлари тўрт-беш йигит йиғилишиб, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини ўқирдик.

1928 йилнинг 9 майида мен Олмаотага кўчдим. Ашир Ғарифага уйлангандан кейин ҳам эски дўстим эди деб, бизнинг уйга тушди. Бирга яшадик. 1929 йили уйни уларга қолдириб, ўқишга кетдим. Ашир содда, оққўнгил киши эди. Вақтни бекорга ўтказишни ёқтирмасди. Ўйлайдигани фақат иш эди. Баъзида: «Айтжон, сен Москвада ўқиб комиссар бўлдинг, мана қилич тақиб юрибсан. Бизнинг қиличимиз ҳам, ўқишимиз ҳам йўқ», — деб ўкинарди. Ўқишни орзу қиларди. Кейинчалик Свердловскдан ўқишни битириб келди. У кезларда бир қиз кўрган бўлиб, икки хонали уйлари бор эди. Уй ҳам ўзига яраша, ичида фақат темир каравотгина бор эди. «Ҳой, сен билимгоҳ директорисан, уйингда гиламинг йўқ, олмайсанми?» десам: «Пулга Ғарифа озиқ-овқат олади. Бошқа нарсанинг нима кераги бор? — деб жавоб берарди. — Ҳой, Айтжон, биз ишчилар бюрократ бўла олмаймиз-ку. Яна ўқишга борамасам бўлмайди». Иккаламиз иноқ дўст эдик. Қисқа ҳаётини халқи учун, эли учун, Ватани учун сарф қилди».

Жумҳурият комсомолининг 1929—1931 йиллардаги раҳбари Ашир Буркитбоев ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлсак, унинг ҳаётидаги катта икки босқичга тўхталган маъқул. Биринчиси — йигирманчи йилларнинг охирида масъул ишларга юборилгани бўлса, иккинчиси — жумҳуриятда бугунгача муҳандис кадрларни тайёрлайдиган якка-ю-ягона марказ — Қозоқ политехника олий билимгоҳига асос солгани эди.

АҚжон оға эсдалигидан: «Мен 1929 йили Қарқаралі ноҳиясида муаллим бўлдим. 1931 йили Семейга жуда кўчдим. 1933 йили у ерда бўлажак политехника олий билимгоҳининг тайёрлов куллиёти очилиб, бир қиш ўқидим. 1934 йили тайёрлов куллиётимиз олий билимгоҳга айланди. Олмаотага кўчди. Бу ерда тоғ-кон билимгоҳининг директори Хлебников деган киши эди. У бир йил ишлагандан сўнг касал бўлиб, ўрнига Ашир Буркитбоев деган ёш йигит келди. Илгари комсомолда ишлаган экан. Бир куни мени ёнига чақириб олиб, «Иккаламиз тенгдош эканмиз. Ўқишинг ҳам яхши. Менга ёрдам бер. Ёшларнинг орасида иш юритайлик» — деди. Мен оилали, болачақали эдим. Ётоқхонадан бир хона берди».

Ғарифа онанинг айтганлари: «Уч ўғлимиз бор эди. Уларни ҳам пешонамга кўп кўрди тақдир...»

Ашир оғанинг хотини Ғарифа она кўзига ёш олиб айтган бу гапларни биз ҳам юрагимиз эзилиб тингладик. Қанча кишининг ёстиғини қуритмади, дейсиз бу қатағон йиллари! Бу фожеаларни унутмаслик, ҳар бир ноҳақ қатағон қилинганларнинг номини оқлаш бизнинг ҳозирги авлоднинг бурчидир. Зеро, уларнинг умрлари бизни деб хазон бўлган, яхшими-ёмонми, ростми-ёлғонми, юксак ғояларга чин дилдан ишонишган.

Имонбой ЖУБАЕВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси.
Олмаота шаҳри.

Қозоғистон комсомоли: I съезд

1921 йилнинг 7 июлида Қозоғистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган комсомол ташкилотлари вакиллари биринчи бор ягона мақсад — бирлашиш учун тўпландилар. Афсус, бу воқеа ҳақида илмий мақолалар, энг ачинарлиси, ҳужжатларнинг ўзи ҳам оз. Биз Қозоғистон фирқа архивларидаги материалларга таяниб, ўша даврни, биринчи тарихий съездгача олиб борилган улкан, машаққатли тайёргарликни ёритишга ҳаракат қиламиз.

1918 йилнинг октябрида РКСМнинг I съезди бўлиб ўтди. Аммо унда қозоқ ёшлари вакиллари иштирок этмадилар. Сабаби у пайтлар жумҳурият комсомоли ячейкалари эндигина тузила бошлаганди. Улар тарқоқ, ягона бошқарув органига эга бўлмаган ҳолда ҳаракат қилишарди. Уларни бирлаштириш заруратини назарда тутиб РКСМ Марказий Қўмитаси 1920 йилнинг 9 июнида Оренбург шаҳрида РКСМ МҚнинг Қирғиз (Қозоқ) бюросини тузишга қарор қилади. Унга мавжуд ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатиш, уларни мустаҳкамлаш, янгиларини тузиш, якуний тадбир, яъни съездга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вазифаси юклатилди.

Анча ташкилий ишдан сўнг съездни 1921 йилнинг 15 февралида ўтказишга келишилди. Аммо айрим сабабларга кўра, съезд икки-уч марта бошқа санага кўчирилади...

Ниҳоят, комсомол съезди 7 июль куни Оренбург шаҳрида очилди. Унга 21 минг комсомол аъзосидан 97 делегат тўпланди. Съезд ишида Туркистон комсомоли вакиллари ҳам иштирок этдилар. Кун тартибида ўн уч масала кўрилди. Маърузалар асосан ўша кунги сиёсий вазият, янгича иқтисодий сиёсат, миллий масала ва совет ҳукумати атрофида борди. Комсомолларнинг социализм қурилишидаги иштироки, қозоқ ёшлари орасида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бориш, иттифоқ ёшлари ва аъзоларининг кенг оммаси ичида сиёсий маърифат ишларини йўлга қўйиш, ўсмирларни жисмонан чиниқтириш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш, иқтисодий ҳуқуқий фаолият ва ишчи ёшларга социалистик таълим бериш муаммолари муҳокама қилинди.

Барча масала юзасидан съезд атрофлича резолюциялар қабул қилди.

1921 йил 13 июль куни анжуман ўз ишини тугаллади ва РКСМнинг қозоқ отрядини ташкилий уюштириш жараёнига якун ясади.

Олдинда... Олдинда эса мамлакат комсомолининг машаққатли кунлари, курашлари, ғалабаю-мағлубиятлари, хатолари, бутун бир авлоднинг ҳаёти, қувончу-ташвишлари турарди...

XX АСР КУНДАЛИГИ



Жамият келажагини йўқотмасин. Бу ҳайқириқ Америкоининг барча матбуот манбаларида янграшга тўғри келмоқда.

«Тайм» ҳафталигининг навбатдаги сони муқовасини шундай сўзлар эгаллайди. «Крэк кидз» яъни «Крэк болалари» уларнинг дарди оғир. Дунёда яшаб, яхши ёмон, гуноҳу савобларга улгурмай жабрланганлар. Бу жазога кимлар маҳкум этмоқда. Афсуски, ўз ота-оналари. Америқода аҳоли ўртасида турли наркотик моддалар истеъмоли авж олиши натижасида норасида гўдаклар нобуд бўлмоқдалар.

ТАСС суратлавҳаси.

ССЖИга қандай талабалар боради?

ЛАГОС, (ТАСС мухбири Николай Шарце). «Ҳатто дорилфунун ректори ҳам ўзи учун мотоцикл сотиб ололмай жамоат транспортидан фойдаланишга мажбур бўлган мамлакатда талабалардан баъзилари лекцияга ҳозир бозорда нархи 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача чиққан шахсий «Лада»сида келиши ректорни руҳий жиҳатдан ноқулай аҳволга солиб қўяди», — деб ёзади нигериялик Чарльз Ададе «Уэст Африка» ойномасининг сўнгги сонида.

Муаллиф ССЖИдаги сўнгги вақтда бойиб кетган хорижий талабалар тўғрисидаги мақоласида бу талабалар Оврупога ва хатто олис Сингапурга қатнаб харидоргир молларни, компьютер ва бошқа электрон техникани Шўро «яширин» бозорига келтириб фойдасига пуллаётганлигини изоҳлайди. «Уларнинг орасида миллионерлар йўқ бўлса керак, лекин Шўро шароитида кўпгина хорижий талабалар бадавлат ҳисобланади», — деб таъкидлайди Ч. Ададе.

Шу йўл билан молиявий аҳволини мустаҳкамлаб олган талабалар, журналистнинг тахминларига қараганда, ССЖИда таълим олаётган барча муҳожирларнинг атиги 1 фоизини ташкил этади. Бироқ уларнинг турмуш тарзи «кўплаб Шўро кишиларининг ғазабини уйғотмоқда, улар хорижий талабаларга ҳасад қилмоқдалар». «Биз мамлакатимизга уларни чангалзорлардан таклиф қилдик, улар эса бу ерда миллионерга айланиб, бизни аҳмоқ қилишяпти», — деди Шўро ёшлари вакилларидан бири мақола муаллифига.

Шу билан бир вақтда африкалик талабаларни енгил автомашина сотиб олишга ундаётган бошқа сабаблар ҳам бор, деб ёзади Ч. Ададе. Табобат илмгоҳини битираётган нигерияликлардан бири (қишда унинг «Лада» автомашинасини ўғирлаб кетишган) «жамоат транспортидаги совуқ қарашларга, кўнгилсиз луқмаларга ва иркчиларга хос қиликларга ортиқча тоқат қила олмаганлиги» сабабли автомобиль сотиб олишга мажбур бўлганлигини айтган.

Муаллиф «ССЖИдаги барча хорижий талабалар қандайдир «яширин» бизнес билан шуғулланади, чунки улар оладиган стипендия узоғи билан иккі ҳафтага етади», деб ёзади. Баъзи Африка мамлакатлари «Шўро расмий кишилари ССЖИ ҳукумати тўлаётган стипендия турмуш учун етарлидир, деб дипломатларни ишонтиришга уринаётганига қарамай» ўз талабаларига бироз миқдорда валюта тўламоқда.

Бироқ африкалик талабаларнинг ҳаммаси ҳам ўз касбдошларининг тижорат фаолиятини маъқулламайди, деб таъкидлайди журналист. У ана шундай талабалардан иккитасининг гапларини келтиради, улар тожир талабалар «кучайиб бораётган Африкага қарши васваса»ни рағбатлантириб, ўз қашшоқлиги сабабларини хорижийларнинг келишида, деб ҳисоблаётган одамларнинг ғазабини қўзғатмоқда, деб ўйлайдилар.

Рамз-Ёдрамз Саҳифа

ҚАРҒАДАН... ТОШБАҚА ШЎРВАСИ

● ДАККИ шаҳри ресторанларидан бири ўзининг мазали овқатлари билан нафақат Бангладеш аҳолиси ўртасида, балки хорижий меҳмонларда ҳам катта эътибор қозонган. Айниқса, бу ерда тайёрланувчи тошбақа шўрвасини сайёҳлар маза қилиб тамадди қилишарди. Кунлардан бир кун бош ошпаз ресторан хўжайини билан жанжаллашиб қолади. Эртасига маҳаллий рўзномалардан бирида қуйидаги мазмундаги хабар чоп этилди: «Палон ресторанда тайёрланувчи «Тошбақа шўрвасси»... шаҳар чеккаларидаги чиқинди ташланувчи жойларда отиб ўлдирилган қарғалардан тайёрланади». Ресторан эгаси бу хабарга жавоб бера олмади, натижа шу билан тугадики, ресторан деярли хўрандасиз қолди.

ТЎРТ НОМДАГИ ДАРЁ

● МАЛАЙЗИЯДАГИ энг катта дарёнинг узунлиги 120 километр бўлиб, номи тўрттадир. Дарёнинг дастлабки 32 километрини маҳаллий аҳоли Бетис деб атайди. Ундан кейинги 44 километри Нингири, яна 44 километри — Галас ва сўнгги, Жанубий-Хитой денгизига қуйилувчи қисми Келантан деб аталади.

ШИША ҲАЛАҚИТ БЕРДИ

● ЯНГИ КАЛЕДОНИЯ оролидаги ҳаракат ниҳоятда тиғиз бўлган Бураке-Тио автомобиль йули шу куни бўм-бўш эди. Бунга сабаб, Нумеа шаҳрининг 25 ёшли фуқароси Шарль-Мария Донуарнинг икки қўлда юриш бўйича рекорд қўйиш мақсадида катта йўлга чиққанлигидир. Уни олти кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати кузатиб борди. Худди шундай ғаройиб усулда 700 метр дам олмасдан юргач (бунга «рекордчи»нинг 59 минут 32 дақиқа вақти кетди) Донуар тўхтаб, оёқларида туриб олди. Йигитнинг айтишича, қўлларида янада кўпроқ юриши мумкин эди, афсуски, чап кафтига кириб қолган шиша бунга йўл қўймади.

ОТАНИНГ ҲУКМИ

● ЯКИНДА Нигерияда чоп этилувчи «Вэнгард» рўзномаси қуйидаги воқеани ўз саҳифаларида эълон қилди: Имо штатининг Умуахиа шаҳрида яшовчи бир тадбиркор киши шармҳаёсиз фильмда суратга тушган ўз қизини ўлдирди. Қизнинг укаси отасига дўстлари уйида бир фильм кўрганини, ундаги ҳаёсиз роллардан бирини опаси ижро этганини айтади. Аввалига ота ўғли сўзларига ишонмади. Орадан бирнеча кун ўтгач, фильмнинг бир нусхасини сотиб олиб, барча оила аъзолари ўртасида уни қўйиб беради, экранда қизи пайдо бўлиши билан унинг устига бензин қуйиб, ёқиб юборади.

Мен бир шуъла, сенга қараб талпинаман, томирларим нурни олсин ўзингдан

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида ўтказилган йиғилишда «Одобнома» дарслигини жорий қилиш масаласи муҳокама қилинди.

Бу хабарни эшитгандан бери бир савол тинчлик бермайди. Қизлари ҳаёли, йигитлари мулоҳазали бўлган бу юрт нечун бугунга келиб болаларининг тарбиясидан жиддий ташвишланмоқда? Ҳатто алоҳида китоб лозимлиги таъкидланмоқда? Биз барча нажотни ўша «Одобнома» дарслигидан излаяпмиз. Нимани излаган кишига ўша нажот худди қалъа сингари суянадиган манзил бўлмоғи лозим. Хўш, яратилажак бу дарслик қандай бўлмоғи керак? Нималарга эътибор берилиши шарт? Китобга нималар сингдирилиши зарур? Ва ниҳоят, дарсликни ким ёзади?

Бу дарсликни, менимча, кенг жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда ёзиш мақсадга мувофиқ, дарсликка оид мулоҳазалар ҳам кенг муҳокама қилинмоғи муқаррар. Шу мақсадда бир неча йилларидан бери самарали ишлаб келаётган, мўътабар икки ўқитувчи билан суҳбатлашдик.

Иброҳим ШОДИЕВ — Бухоро вилояти, Свердлов ноҳиясидаги 12-мактаб ўқитувчиси. Бир неча йиллардан бери «Қишлоқ шароитида тарбияси оғир болаларни қайта тарбиялаш» мавзуси бўйича илмий иш олиб бормоқда.

— Домла, «Одобнома» дарслиги сизнингча, нималарни қамраб олиши лозим?

— Аввало, «Одобнома» дарслиги биринчи синфдан бошлаб ўтилиши керак. Бу китобни боланинг ёш хусусиятини ҳисобга олиб, босқичма-босқич ёзиш талаб этилади. Китоб ҳам оилавий, ҳам ҳуқуқий тарбияни қамраб олсин. Жинсий тарбияни ҳам. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, агар бу дарслик яратилса уни қиз болаларга аёл, ўғил болаларга эркак муаллим ўтишига тўғри келади.

— Сиз нима дейсиз: балки бу дарсни ўтишда ҳурматли онахонлар, отахонлар, ҳаёли келинларимизнинг иштирок этишларига тўғри келар...

— Мен бу фикрга қаршиман. Уй бекалари, онахон, отахонлар, келинлар дарс ўтишига қўшилмайман. Кўп йиллар бу соҳанинг нонини еган, оиласи ҳурматига сазовор, ўзи ҳам бошқаларга ўрнак бўладиган ўқитувчилар ўтсин. Чунки педагогикадан хабари бўлмаганлар боланинг онгига керакли ҳолатларни етказа олишмайди. Ахир «Одобнома» дарслик сифатида ўтилади. Тарбиявий соат дарси бўлмайди-ку. Мактабимизда Толиб Нуриддинов деган ўқитувчи ишлаган. Ҳозир нафақада. Оилали, серфарзанд, ўзи ҳурматли кишилардан. «Одобнома»ни ана шундай инсонлар ўтиши лозим.

— Дарслик қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— У ёшларни ҳаётга тарбиялашда амалий аҳамиятга эга бўлсин. Ҳар бир боб охирида ўтилганларни такрорлаш учун саволлар берилса, унга болалар ҳаётий мисоллар билан жавоб беришса, фақат назарий билим билан болаларимизни ақлли қилиб бўлмайди. Тошкентдаги 232-мактабга боргандим. 5-синфда ўтилган «Одобнома» дарсида қатнашдим. Ўша дарс менга жуда ёқди. Ўқитувчи ҳар бир дарсни ҳаётий мисоллар билан боғлаб олиб борар экан.

Дарслик номигагина яратилмаслиги керак. Афанасьеванинг «Оила» китоби мутлақо миллийликка жавоб бермайди. Бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. — Демак, «Одобнома» ўзбекона одоб билан яратилиши керак?

— Албатта. «Одобнома» ўқиган бола мактабни битираётганида ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлсин. Қизларимиз рўзғор, оила тутиш ишларини мукаммал биладиган бўлсин. «Одобнома»да айтилган назарий билимлар амалда қўллаб кўрилсин. Балки ҳар бир дарсдан кейин бирор хонадонда ўтилганларни ҳаётдаги инъикосини кўришга тўғри келар. Оила юмушларини ўтганда хонадонларга бориб уй жиҳозлаш, бирор таом пиширишни ўқитувчи билан бажаришар.

— Бу билан ота-она масъулиятини мактаб тўлиғича ўз зиммасига олган бўлмайдими?

— Йўқ. Бу усул билан ота-она мавқеи тушмайди. Ахир кам тажрибали, уй тутишни яхши билмайдиган ота-оналар борлигини инкор қилолмаймиз-ку. Ё эри топиб келса ҳам ўшани маҳорат билан пиширишни уддалай олмайдиган онанинг қўлида тарбия топган қизалоқ қандай пазанда бўлсин? Балки ана шундай амалий машғулотлар ота-оналарга ҳам таъсирини ўтказар. Ўқув йили якунида ўтилган дарслар асосида конкурслар ўтказишни ташкиллаштириш керак. Ёки ҳар бир ўқувчи ҳисобот ёзиб берсин. Ана ўшанда ёшлар ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр бўлиб боришади.

— Нимага биз оиладаги тарбиянинг бўшашиб кетганини, болаларнинг гап уқмас бўлиб кетаётганини «ОДОБНОМА» дарслиги йўқлигига бориб тақаяпмиз? Нимага «ОДОБНОМА»га зарурат туғилди? Бундан кейин нима бўлади?

— Менимча, ҳаёт тарзи шу тахлитда давом этаверса болаларнинг тарбиясидаги салбийлик кучаяди. Биз болаларимиздан пул топишни талаб қиладиган бўлиб қолдик. Ижара, ферма, пудрат... меҳнатнинг кўпи болаларимиз зиммасида. Бу йиллар ўтгандан кейин ҳали ўз салбий таъсирини кўрсатади. Ҳозир пул топишга бўлган иштиёқ билан буни англаб ололмаяпмиз. Иқтисодий жиҳатдан қашшоқ ота-она боласига мажбурий жиҳатдан тарбия бериш ҳақида ўйламайдиям. Боланинг тарбияси бузилди.

— Нима учун?

— Ота-оналар меҳнатга берилиб, тарбияни фақат муаллимлар қўлига топшириб қўйишди. Вақти камлиги учун шу йўлни танлашга мажбур бўлишди.

— Бу учун фақат ота-она айбдорми?

— Маорифда ҳам пасайиш бўлди. Ота-она-ўқитувчи изчиллиги йўқолди. Ўқитувчилар ота-оналар билан иш олиб бормай қўйди. Кейин савияси паст мутахассислар кўпайиб кетди. Уларнинг кўпи зўракига ўхшайди. Билимдон болалар қолиб кетиб, олийгоҳларга билимсиз болалар пул билан кириб кетишди. Мана, ўн йиллар давом этган ўша ҳолат ўз самарасини бериб ўтирибди. Буни тан олмоғимиз керак.

— Нимага болаларда қобилият йўқолиб кетяпти?

— Насиҳатбозлик кучайган. Бола ҳақиқий образни кўролмаяпти. Оиладаги ота-она боласига бирор нарсани насиҳат қилиб ана ўшанга ўзи амал қилмайди. Бола ибрат оладиган ҳолат йўқ. Бу эса иқтисодга бориб тақалади. Болага ибрат ролини кучайтириш керак. Оиладаги пардасиз суҳбатлар болани қайсар қилиб қўйяпти.

— «ҲАДИС»ларни ҳам «ОДОБНОМА»га киритиш керакми?

— Яхши бўлар эди.

— Шунча йил худо йўқ деб таълим бердик. Энди унга сиғинаяпмиз... Ўқитувчилар ҳам бебурд бўлиб қолмадими?

— Бу мени ҳам қийнайди. Шароит одамзод фикрини ҳам чегаралаб, қолипга солиб қўйди. Биз фарзандларимизга таълим берамиз: уни қилма-ёмон бўлади, ундай дема-ёмон бўлади деб. Лекин нима учун деб сўраса жавоб беролмаймиз. Бунинг мазмунини, оқибатини айтиб беролмаймиз. Шунинг учун фарзандларимиз зарур маслаҳатларни ҳам қуруқ насиҳат деб қабул қилишга одатланишди.

— «Одобнома»ни ўқиган бола одобли бўлиб қоладими?

— «Одобнома»дан сабоқ берувчи ўқитувчи зўр бўлгани билан ота-она ўзига яраша тарбияга муҳтож кишилар бўлса дарсликнинг таъсири сезилмайди. Болаларда ота-онага тақлид кучли бўлади.

Бола туғилганда, инсон вафот этганда бир хил ҳолатда бўлади. Лекин яшаганда турфа хил. Яшаган муҳит, шароит уни ўзгартиради. Юқорида айтдим-ку, ибрат ролини кучайтириш билан яхшиликка эришиш мумкин.

Болалик — иллатдан ҳоли. Қандай тарбия берсанг, ўшандай хислатли бола кутавер, дейишади.

Таклифим: шундай мукаммал «Одобнома» дарслиги яратилсинким, уни ўқиган диллар бир зум ўз характери, фазилатлари, дунёқараши, атрофдагиларга бўлган муносабати, умуман яшаш тарзи ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур бўлсин.

Қаҳрамон УСМОНОВ — Свердлов ноҳиясидаги 9-мактаб математика ўқитувчиси. Узбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси.

— Сиз нима дейсиз, «Одобнома» дарслиги билан математика, умуман аниқ фанларнинг ўртасидаги боғлиқлик қандай бўлиши керак?

— Тарбия — таълимнинг бош асоси. Таълимни тарбиясиз олиб бориб бўлмайди. «Одобнома» дарслиги бугунимизга жуда зарур. Матбуот нашрларида яхши мақолалар берилятпи. Лекин уларни маълум йўналишга солиб, мукаммал дарслик яратилиши керак.

Энди англадик: ўқиган ҳамма нарсаларимиз ҳам тўғри эмас экан. Биз қоришиқ руҳлар таъсирида тарбияланган эканмиз. Энди ана шу катта авлодни тарбиялаш ҳам катта тарбияни талаб этади.

Биз ўқув қўлланмаларида Россия ҳамда хорижлик олимларни мақтаймиз. Ўзимизникини эса билмаймиз. Масалан, Форобий математикадан китоб ёзган. Лекин китобнинг биринчи бўлими мусиқага бағишланган. Менимча, қадрият, ўтмиш, тарихга меҳрни шакллантириш учун аниқ фанларнинг роли катта. Олимлар, академикларнинг ҳар бири ҳаёти «Одобнома»нинг бир дарси бўлиши мумкин.

Миллий мактабларда миллий мазмун йўқ. Миллий тарихимизни дарсликка киритиш керак.

— Олимлик ва «Одобнома» боғлиқлигини нималарда кўрасиз?

— Навоийнинг ҳаётини ўтадиган бўлсак, албатта унинг одобига диққатни қаратамиз. Нима Беруний нинг одоби намуна бўлолмайдими? Аниқ фанлар олимларининг илм йўлидаги изланишларини, ирода, сабр-тоқатларини, тадбиркорликларини ҳамма ҳам билавермайди.

— Сиз «Одобнома» дарслигини қандай тасаввур қиласиз?

— У асрлар оша халққа синган урф-одатлар, тарбия, ўтмишдошларимизнинг барча яхши фазилатларини, ғоялари, меҳнатлари, изланишларини ўзида мужассам этган мукаммал дарслик бўлиши тарафдориман.

— «Одобнома»га зарурат қандай пайдо бўлди?

— Жамиятнинг ўзи бу дарсликка заруратни туғдирди. Одамларнинг яшаш тарзи, дунёқараши, муносабати ўзгарди. Фикрлар боғлиқлиги ўзгарди.

— Аниқ фанларни яхши билган болаларнинг ичида тарбияси оғирлар учрамаса керак-а?

— Бундай фикрлаш менимча нотўғрироқ бўларди. Болаларда иқтидор жараёни бор. Фикрлар доираси кенг бўлмаса-да, аниқ фанларни яхши билади. Аниқ фанларни яхши ўзлаштирувчи болалар орасида тарбиясизлари ҳам учрайди. Бир ўқувчимни бошқа фан ўқитувчилари қўпол дейди. Лекин математикани қойиллатади. Ҳар бир бола — бир китоб. Ўқитувчи ана шу китобни ўқий билсагина ўқувчининг қалбига йўл топа билади. Бу эса фанлар ўртасидаги фарқни чегараламайди.

Муаллимларимизнинг камчилиги — болаларнинг шахсиятини тушунмайди. Болаларда ғурур кучли. Ўқитувчи — руҳиятшунос, педагогикани яхши билмоғи лозим. Буни ҳар бир ўқитувчидан талаб қилиш керак.

—Аниқ фанга бўлган қобилият кучаймаяптими ёки пасайиш борми?

— Кейинги беш йилликда аниқ фанларга бўлган қизиқиш кучаяётганини бир ўқитувчи сифатида сезяпман. Бунга «Ёш куч», «Квант» ойномалари ёрдам беряпти деб айта оламан. Менинг ўқувчиларим бир неча сафардан бери сиртқи жумҳурият олимпиадасида ғолиб бўлишяпти. Бизда уч йил аввал қобилиятлилар синфи ташкил этилган эди. Яхши самара беряпти. Ихтисослашган синфларни кенг ёйиш керак. Қобилиятсиз бола билан талантли бола нимага бир партадан таҳсил олиши керак? Мана шу ҳолат ҳам тарбияга албатта таъсирини кўрсатади...

Икки ўқитувчининг фикрларига балки кўплар қўшилмас. Балки уларнинг фикрларини тўлдирувчилар, қўлловчилар бўлар. Менинг журналист сифатида бир таклифим бор: жумҳурият рўзномаларида «Одобнома» дарслигига саҳифалар» номли ойнасўз ташкил этилиши ва у муштарийлардан келган фикрларни ўрганувчи минбар бўлмоғи лозим. Токи одамлар орзиқиб кутаётган дарслик — дил тафтини босувчи бир шуъла бўлиб, қалбларни ёритсин. Томирларимиз бу дарсликдан ҳаё, ибо, мардлик, меҳр, ҳурмат, садоқат, эътиқод, меъёр, қадр тушунчаларини ўқиб, қон олсин. Яхши тилаклар, яхши сўзлар билан ижобат бўлсин.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Сурат муаллифи В. ТУРАЕВ.



«Қалбингга қулоқ сол»

Мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қиз учун мўъжизакор, қайноқ, шу билан бирга масъулиятли дамлар бошланди. «Талаба бўламан», деган йигит, қиз борки, кириш имтиҳонларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда... Қўлтиғидаги ҳужжатларни тўғри келган ўқув даргоҳига «Бор барака» дея топшириб юбормаслиги аниқ. Ўйлайди. Эртани. Хато қилмасликни. Чунки эрта билимдонликни, тадбиркорликни талаб этади.

Шунинг учун ҳам Калинин ноҳиясида жойлашган Тошкент қишлоқ хўжалик билимгоҳида янги ўқув йилида янгича ўқув-машғулотларни ташкил этиш кўзда тутилган. Мухбиримиз Тўлқин Ҳайит билимгоҳ директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Асомиддин МАХСИМОВ билан шу хусусда суҳбатлашди:

— Ҳурматли Асомиддин Махсимович, аввало диққатингизни қуйидаги рақамга тортаман. Ривожланган капиталистик мамлакатларда меҳнат унумдорлиги 8—11 маротаба юқори. Бу жуда катта рақам. Нима учун биз бунга эриша олмадик? Шу саволга очиқ ва аниқ жавоб бероласизми?

— Бир оғиз сўз билан жавоб беришим мумкин: ҳаммаси моддий манфаатдорликка боғлиқ. Киши нима учун ишлайди? Яхши яшаш учун. Ҳамма тўқ яшаса, мамлакат ҳам тўқ бўлади. Шуни эътиборга олиб кейинги йилларда жумҳуриятимизда деҳқонларнинг, фермерларнинг моддий манфаатдорлигига жиддий эътибор берилмоқда.

Билимгоҳимизда давр талабидан келиб чиқиб, бу йилдан янги бўлим очяапмиз. Мазкур бўлимда фермерлик ишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Улар қандай имтиёз ва ҳуқуқларга эга бўлишади?

— Бўлимни битирганлар жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналарда агроном, участка бошлиғи, пудрат усулида иш юритувчи фермер; қайта ишлаш корхоналарида ва ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари, биолаборатория, бўрдоқичилик комплексларида ўрта бўғин раҳбарлари бўлиб ишлашлари мумкин.

— Билимгоҳда неча бўлим бор?

— Тўртта. Юқоридаги бўлимдан ташқари, агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер тузиш бўлимлари мавжуд. Жумҳуриятимиздаги 41 та билимгоҳ орасида фақат бизда ер тузиш техниклари мутахассислари тайёрланади.

— Мазкур бўлимларни битирганлар, яъни ер тузиш техниклари бўлиб етиштирган мутахассисларнинг қайси вазифаларда ишлашларини эслатиб ўтсангиз яхши бўларди!

— Улар жамоа ва давлат хўжаликлари, лойиҳа олий билимгоҳларида ер тузувчи фермер, техник типограф, саноат ва уй-жой қурилишларида техник-геодезист, ирригатор бўлиб ишлашлари мумкин.

— Талабалар учун ғамхўрликлар қилинмаса, ҳозир қийин...

— Ҳа, дарвоқе, талабаларнинг моддий манфаатдорлик томонларини ўйламаслик мумкинми? Ўқув нафақасини тўлаш уч ярим фоизга оширилди, ойлик ўқув нафақаси 136 сўмни, аъло баҳоларга ўқиганлар учун 161 сўмни ташкил этади. Ётоқхона, сув текин.

— Ҳамма талабаларни ётоқ билан таъминлаш мумкинми? Чунки кўпгина ўқув юртларида бу масала ҳамон жиддий муаммо бўлиб турибди.

— Бу йил кундузги бўлимга 330, сиртқига 300 талаба қабул қилиш кўзда тутилган. Уларнинг ҳаммасини ётоқ билан таъминлай оламиз.

— Маълумки, ҳар қандай ишга ўша ернинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилса, камчиликларни тезда бартараф этиб, кўзланган ютуққа эришиш мумкин. Ўқув режалари ҳамон юқори мақкамаларнинг кўрсатмалари асосида тузилмоқда...

— Тўғри гап. Аммо бу борадаям бизга имтиёз берилди. Ўқув режаларига ўзгартириш, тузатишлар киритиш ҳуқуқига эгамиз.

— Сир бўлмаса, неча фоизга!

— Ўн беш фоизга.

— Ўқув даргоҳи манзилгоҳини эслатиб юборсангиз!

— Билимгоҳимиз Тошкент вилоятининг Калинин ноҳиясидаги Назарбек жамоа хўжалигида жойлашган.

— Асомиддин Махсимович, яхши ишларга тилак билдириш халқимизнинг азалий одати. Бўлғуси талабаларга қандай истакларингиз бор!

— Мабодо, фарзандим мендан: «Қайси ўқишга кирай?» — деб сўраса, қалбингга қулоқ сол, деган бўлардим. Чунки қалбига қулоқ солганлар деярли адашишмайди.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«ЖИГУЛИ» БЕРИШДИ, ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШДИ

ТАҲРИРИЯТГА ШИКОЯТ КЕЛДИ

«Оилавий шароитимиз оғир. Кичкина ҳовлида 4 оила зўрга яшаймиз. Ёрдам сўраб бир қанча юқори ташкилотларга ариза ёздик. Лекин ижобий жавоб ололмадик. Онам ҳам 1987 йилдан буён енгил машинага навбатда турибди. Мен ҳам. Лекин ноҳия ижроия қўмитадагилар қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Мен хизматни Афғонистон тупроғида ўтаганман. Ахир рўзномаларда «афғон»ларга берилаётган имтиёзлар ҳақида кўплаб ёзишяпти-ку. Ўз соҳанг бўйича иш топиш ҳам муаммо. Наҳотки бизга ўхшаганларнинг дардини ҳеч ким тингламаса?

Ғафур БОТИРОВ,
Сурхондарё вилояти, Гагарин ноҳияси «Пограничник» давлат хўжалиги, 3-бўлим.

ШИКОЯТГА ЖАВОБ КЕЛДИ:

«Ёш ленинчи» таҳририятига ёрдам сўраб шикоят ёзган Ғ. Ботировнинг аризаси ижроқўмда ўрганиб чиқилди. Унга «ВАЗ-21063» маркали «Жигули» енгил автомашинаси ажратилди. Иш билан таъминлаш масаласи эса «Пограничник» давлат хўжалигида кўриб чиқилди ва у сут-товар фермасига ҳисобчи қилиб ўтказилди.

М. ЗОИРОВ,
Гагарин ноҳияси ижроқўми раиси».

ДИНАР ОҲАНДА

6 ИЮЛЬ — ШАНБА

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ахборот». 9.25 Такрорий фильмлар экрани. «Жаноб-420». Бадиий фильм. (Ҳиндистон). 12.15 «Меъморчилик истиқболи». 12.55 Спорт кўрсатувлари: 1. Саломат бўлинг. 2. Футбол майдонларида. 13.55 «Алифбо сабоқлари». 1 босқич (такрор.). 14.30 Бухоро вилояти Свердлов ноҳияси Маданият уйи қошидаги «Дилдор» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 15.10 «Деҳқон ва замин». 16.10 «Даврага кел, дугонажон». Фарғоналик қизлар баҳси.

* * *

18.00 «Мультипанорама». 18.45 Чолғу қўйларидан концерт. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Мулоҳаза». Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» асари ҳақида. 20.30 Москва. «Вақт». 21.10 Оқшом эртаклари. 21.25 «Водий хандалари». Телевизион миниатюралар театрининг учрашуви. 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Водий хандалари» (давоми). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

14.30 ТСН. 14.45 «XX аср. Ташвишли даврлар хроникаси». Кинопрограмма. «Қирқинчи... машъум йиллар...». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 2-фильм. (М. Горький номли киностудия). 15.50 «Уорлдвижн энтерпрайзес» телекомпанияси (АҚШ) таништиради... Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Хон Барбар замонида». 17.00 «Шеърият лаҳзалари». 17.05 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 5-серия (Германия — Австрия). 17.30 «Халқаро панорама. 18.15 «Парнас сари бир босқич». 18.35 «Уорлдвижн энтерпрайзес»-телекомпанияси (АҚШ) таништиради... «Атлантидалик одам». Телевизион бадиий фильм премьераси.

* * *

20.30 «Вақт». 21.10 «Уорлдвижн энтерпрайзес» телекомпанияси (АҚШ) таништиради... «Қатл этиладиган вақт». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.00 «Аншлаг. Аншлаг». 23.30 «Атлантидалик одам». Телевизион бадиий фильм премьераси.

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

ЁКИ «ПАХТАКОР»НИНГ АЯНЧЛИ АҲВОЛИ ХУСУСИДА

Бу ўйин асли 31 март куни бўлиши керак эди. Лекин ССЖИ футбол федерациясининг «эркатой» жамоаси ҳеч кимдан барухсат пул ишлаш учун Японияга, халқаро турнирга жўнаб кетганди. Жамоатчиликнинг норозилигидан сўнг федерация ҳам ўзини кўрсатмоқчи бўлди. Турниردан қайтган «Спартак»ка «Пахтакор» билан қолдирилган ўйин учун маглубият ёзди. Осмондан тушган икки очко учун хурсанд бўлиб турганимизда «эркатой»ни яна аяшди. У жарима тўлайдиган бўлди. Охирқибат ўйин қайтадан ўйналадиган бўлди. Ва мана шу ўйин ўтган куни «Пахтакор»нинг шармандаларча маглубияти билан якунланди.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Агарда бу ўйин ўз вақтида ўтказилганда, бундай йирик маглубият юз берармиди? Менимча юз бермасди. Чунки, зукко ишқибоз яхши билади — «Пахтакор»нинг бугунги ношуд — нотавон, абгор ўйини билан ўша кезлардаги ўйини орасида анчайин фарқ бор. Иккинчидан, нима учун Фёдор Сергеевич «Спартак» раҳбариятининг ўша кезлардаги илтимосини қабул қилиб, ўйинни қолдирганди ва нима учун у ва жумҳурият футболининг катталари федерация йиғилишида ўз фикрларини ўтказа олмадилар?

«Пахтакор» иккинчи даврани Москвада бошлади. Тўққиз кун мобайнида «Локомотив», «Торпедо» ва «Спартак» жамоалари билан куч синашиб майдондан бош эгиб чиқиб кетди.

Энди икки оғиз «Пахтакор»нинг ҳозирги аҳволи тўғрисида. Ўйинчиларда маҳорат етишмаслиги мумкин. Буни тушунса бўлади. Ўйинчилар бошқа рақиблар олдида кучсизлик қилиши мумкин. Буни ҳам тушунса бўлади. Лекин ўйинчилардаги бепарволик, энг муҳими иштиёқсизликни кечириб бўлмайди. Куни кеча ойнаи жаҳонда «Навбаҳор»нинг ўйинини кўрсатишди. Йигитларда маҳорат кам, лекин уларда иштиёқ бор. Ёниб ўйнашади. Назаримда яқин орада ўзбек футболининг маркази Наманганга кўчса ажаб эмас... Дарвоқе, кеча у ССЖИ кубоги ўйинида «Мелиоратор»ни 14:0 ҳисобида ютди.

«Пахтакор» эса чуқур инқирозни бошидан кечираяпти. Энди футболимиз катталари зудлик билан командадаги вазиятни таҳлил қилиб, жиддий ўзгаришлар қилишмаса, 7 йил орзуманда бўлган олий лига билан хайрлашиш аниқ. Гарчи, халқда «отларни кечувда алмаштирмайдилар» деган гап бўлса-да, лекин от кечувга дош беролмагач, уни алмаштирмоқ, қўшинни сақлаб қолмоқнинг ягона йўлидир. Мен Федор Сергеевич Новиковни жуда ҳам тажрибали мутахассис сифатида ҳурмат қиламан. Лекин ҳамманинг ҳам ўз ўрни, ўз мавқеи, сакрай олиши мумкин бўлган баландлиги бўлади.

Биз ўтган йилнинг охирида «Пахтакор» олий лигага чиқиш тантаналари ичра сарҳуш бўлиб юрган кезларда, келаси йил аҳволимиз оғир бўлишини очиқдан-очиқ команда устозларига айтган эдик. Ўша кезларда «Пахтакор»нинг биринчи лигада қийналмасдан ўзи хоҳлагандек эмин-эркин ўйин кўрсатиши устозларда «футбол шу эканда» деган фикр уйғотди чоғи. Ва ўзларига унча ҳуш келмаган ва «ноқулай» бўлган қатор ўйинчиларнинг бахридан ўтиб юборишди. Минг ёмон бўлганда ҳам худди мана шу оғир кезларда айнан Азамат Абдураимов, Мустафо Билолов, Андрей Микляевлар кор келарди. Анвар Жабборов ҳақида эса Новиков «ундан дарвозабон чиқмайди» деган эди. Ундан қандай дарвозабон чиққанини мана ҳозир кўриб турибмиз. Мен Новиковни ёмонлаш фикридан мутлақо йироқман. Лекин футбол шахсий ҳисобкитоблар гина-кудуратлар майдони эмас.

Ёки «халоскорлик» миссиясини бажариш учун Литвадан «туширилган десант» нима қаромат кўрсатяпти? Ахир уларни олиб келиш учун ҳам ҳазилакам пул кетмайди-ку! Четдан келган ўйинчи ким бўлишидан қатъи назар, айниқса, у мавсумнинг ўртасида келган бўлса, устига-устак самолётдан туша солиб тўғридан-тўғри асосий ўйинчилар сафида майдонга тушадиган бўлса, бу жамоада носоғлом вазият учун омил бўлади.

Ўрни келганда яна бир нарсани айтмай иложим йўқ. Спортимиз катталари ҳам, жамоа устозлари ҳам мавсум мобайнида, ўйинлар орасида жамоа ҳақида, унинг устозлари-ю, ўйинчилари ҳақида бирор жиддийроқ гап айтмоқчи бўлсангиз монелик қилишади. «Ўйинчиларнинг кайфиятини бузасизлар, тренер эса четдан келган, кетиб қолади», деган важни рўкач қилишади. Ва ҳамиша, «тўйдан кейин ноғора қоқиб» умримиз ўтди. Лекин бу гал ҳам шундай қилсак, бизнинг борлигимиздан, қилаётган ишимиздан не наф?! Ахир чет элларда ҳар битта муваффақиятсиз ўйин учун ўйинчиларни ҳам, уларнинг устозларини ҳам шармандa-ю шармисор қилиб ташлашади-ку! Нега улар хафа бўлишмайди? Чунки улар бир нарсани тушунишади. Ёмон кўрганликлари учун эмас, ўзлари ёмон ўйнаганликлари учун танқид қилишади. Ва келгуси ўйинда ўзларини оқлаш учун ҳаракат қилишади. Хўш, нега бизда бундай эмас? Нега энди хафа бўлади, ёки кетиб қолади, деб кўрқишимиз керак. Хафа бўладиган бўлса, яхши ўйнасин, кетадиганларга эса йўл очиқ. Ахир бу футбол! У хафа бўлиш ёки кетиб қолиш майдони эмас. У ор-номуси бор, ғурури бор, унга кўз тикиб турган миллионларнинг ишончини сўндирмаслик учун курашадиганлар ўйини. Буни тушунган, дилдан ҳис қилганлар эса хафа ҳам бўлмайди, кетиб ҳам қолмайди.

А. АҲМЕДОВ.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М. АБДУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ОРЗИМАТОВ, З. ОРТИҚХУЖАЕВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСИЕВ (масъул котиб), С. РУСТАМОВ, Қ. ЭШМАТОВ, Т. ҲАИИТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўзнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: ёшлар сиёсати — 32-57-63; ижодкор ёшлар — 32-55-96; иқтисодиёт ва экология — 32-58-47; фан ва халқ таълими — 32-58-48; тарих ва маданий мерос — 32-58-47; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607. 380.000 нусхада чоп этилади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўзномамиз ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жумъа, шанба кунлари чиқади.

Яна рўзномада учрашгунча!

Узбекистон КП МҚ нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.00 га белгиланган. Чоп этиш учун соат 20.20 да имзо чекилди. Буюртма № 5698 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12